

# ТОНИЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 78-79 (6918-6919)  
1998 йил 6 октябрь, сешанба

Сотувда эркин  
нархда



Ассалом, устозим,  
ҳаёт боғбони,  
Юзлаб шогирдларнинг  
дил чароғбони.  
Қалби азим дарё,  
меҳри қуёшсиз,  
Мактаб қучоғида  
Сиз бизга бошсиз.

Ушбу шеъринг сатрларини мен азиз ўқитувчим, меҳрибон мураббиям Тамарахон опа Расуловага бағишлаб ёздим. Чунки Тамарахон опа устоз муаллимлар орасида кунглимга энг яқини, энг ҳурматлиси ҳисобланадилар. Мана, етти йилдирки, Тамарахон опой — менинг доно маслаҳаттўйим, оқила тарбиячим, ҳатто самимий сирдошим. Қутлуг шодиёна — мураббийлар байрами арафасида севимли мураббиям ҳақида уйлар эканман, бундан етти йил муқаддам Тамарахон опа билан илк танишувим, қандай муомала қилганларим ёдимга тушади. Ёдимга тушадими-ю, узимдан узим уялиб, қизариб кетаман...

Етти ешга тулганимда куз шифокорларининг маслаҳати билан ота-онам мени Қўқон шаҳридаги кузи заифроқ болалар мактаб-интернатига олиб боришди. Мени тарбиячи Тамарахон опа қабул қилиб олдилар. Ота-онам мени интернатда қолдириб, уйга қайтиб кетишди. Мен уша пайтда худди улардан ажраб қўлаётгандай, дод деб эргашдим. Интернатда қолишни истамдим. Шунда Тамарахон опа дадам билан аямни жунатиб юбориб, мени бир амаллаб олиб қолдилар. Бир ҳафтагача интернатга куниколмай юрдим. Тарбиячимизни ҳам, ўқитувчиларни ҳам анча қийнадим. Лекин Тамарахон опанинг ширин сузлари, насиҳатлари туфайли интернат ҳаётига тез кункиб кетдим.

Ушбу шеъринг сатрларини мен азиз ўқитувчим, меҳрибон мураббиям Тамарахон опа Расуловага бағишлаб ёздим. Чунки Тамарахон опа устоз муаллимлар орасида кунглимга энг яқини, энг ҳурматлиси ҳисобланадилар. Мана, етти йилдирки, Тамарахон опой — менинг доно маслаҳаттўйим, оқила тарбиячим, ҳатто самимий сирдошим. Қутлуг шодиёна — мураббийлар байрами арафасида севимли мураббиям ҳақида уйлар эканман, бундан етти йил муқаддам Тамарахон опа билан илк танишувим, қандай муомала қилганларим ёдимга тушади. Ёдимга тушадими-ю, узимдан узим уялиб, қизариб кетаман...

Етти ешга тулганимда куз шифокорларининг маслаҳати билан ота-онам мени Қўқон шаҳридаги кузи заифроқ болалар мактаб-интернатига олиб боришди. Мени тарбиячи Тамарахон опа қабул қилиб олдилар. Ота-онам мени интернатда қолдириб, уйга қайтиб кетишди. Мен уша пайтда худди улардан ажраб қўлаётгандай, дод деб эргашдим. Интернатда қолишни истамдим. Шунда Тамарахон опа дадам билан аямни жунатиб юбориб, мени бир амаллаб олиб қолдилар. Бир ҳафтагача интернатга куниколмай юрдим. Тарбиячимизни ҳам, ўқитувчиларни ҳам анча қийнадим. Лекин Тамарахон опанинг ширин сузлари, насиҳатлари туфайли интернат ҳаётига тез кункиб кетдим.

## МЕНИНГ ИККИНЧИ ОНАМ

Утган йиллар давомида мактаб-интернат иккинчи уйимга, Тамарахон опа эса, иккинчи онамга айланиб қолдилар...

Бошланғич синфда бизга Салимахон ва Дилоромхон опойлар таълим берган булсалар, бешинчи синфдан буён турли муаллимлардан илм-фан сирларини урганмоқдамиз. Тамарахон опа эса, тарбиячи сифатида бизга бош-қош. Биз душандабан шанбагача мактаб-интернат бағрида яшаймиз. Тонг чоғида Тамарахон опа ишга келиб, бизни нонуштага олиб чиқадилар. Асосий

### Эҳтиром

дарслардан кейин синфимизга кириб, яна биз билан бирга буладилар. Уй вазифаларини бажартирадилар, қўшимча дарслар утадилар, тарбиявий суҳбатлар утказиладилар. Интернат ҳовлисида олиб чиқиб, тур-

бизнинг олдимизга тупадиган синф йўқ. Созандаям, хонандаям, қизиқчи-ю аскиячи ҳам узимиздан. Тамарахон опамиз — режиссеримиз. Синфимиз одо-ахлоқда ҳам намуна. Француз адаби Анатоль Франс «Олижаноб одатлар намуна туфайли таркиб топади», деган экан. Тамарахон опамиз ҳам бизга ана шундай намуна соҳибасидир.

Интернат ҳаётида ҳар хил воқеалар ҳам булиб туради. Бир куни синфдошларимиздан бирининг пули йўқолиб қолди. У опойимизга арз қилди. Дарсдан сунг Тамарахон опой ҳаммани йиғиб, дедилар: — Синфимизга доғ буладиган хунук иш бўпти. Шу айбни ким қилганини мен жуда яхши биламан. Агар икки соат ичида пулни эгасига қайтармаса, интернатнинг ҳамма болаларини туплаб, кўпчиликнинг олдида шармандасини чиқарамиз! Агар хатосини тушуниб, пулни жойига қўйса, уни кечирамиз. Епиглиқ

қозон епиглиғича қолади. Тушундиларингми?

Шундан кейин пулни олган ўқувчи ҳеч кимга билдирмай, эгасига қайтарди... Бундай кунгилсиз ҳодиса синфимизда бошқа такрорланмади.

Машҳур нечис шоири ва мутафаккири Гете «Бизга таълим бераётганлар ҳақли равишда бизнинг ўқитувчиларимиз, деб аталадилар. Аммо бизни ўқитаётганларнинг ҳар бири ҳам бу номга лойиқ эмас», — деган экан. Бизнинг мураббиямиз Тамарахон Расулова муаллима, мураббия деган шарафли номга чинакам сазовор педагоглардан десам, янглишмаган буламан.

«Устоз меҳри, она меҳри — эгизак» дейдилар. Ҳар тонг мактаб-интернат остонасига қадам қуяр эканман, аввало онамдай азиз умрларининг қирқ икки йилини мураббийликка бағишлаб келаётган Тамарахон опанинг қучоғига отиламан ва

дунё турғунча туринг,  
бўлинг доим соғ-омон!, — деган сатрлар дилимдан ўтади.  
**Дурдона ВАЛИХОНОВА,**  
Қўқондаги 9-мактаб  
интернат ўқувчиси

## ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛАДИ

«Миллионлар уйини» деб ном олган футбол, неча-неча даврлардан бери яшаб, гуркираб келмоқда. Яқиндагина Францияда булиб утган Халқаро футбол мусобақалари сунъий йулдошлар орқали дунёнинг юзлаб мамлакатларида намойиш этилди.

Юз минглаб муҳлислар қатори Сиз ҳам катта қизиқиш-у ҳаяжон билан бу мусобақаларни томоша қиларкансиз, ҳаёлингиздан: «Қанийди, шу жамоалар орасида «Пахтакор» ҳам бўлсайди...» деган ширин ҳаёл лип этиб утиб қолди-ку! Ана шунда «Самога сочилган юлдузлар» (Пахтакор-79)ни афсус ила эсга олдингиз...

Хулоса чиқаришга шошилманг. Ахир Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонда тан олингандан кейин утган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда спорт соҳасига эътибор бутунлай узгарди-ку! Юртимизда куплаб халқаро мусобақалар, турли конкурс-у фестиваллар утказилди, юзлаб спорт мажмуалари ишга туширилди, янгидан-янги спорт мактаблари очилди! Уларда Ватан шаънини юксакларга кутарган Руфат Рисқиев, Артур Григорьян, Руслан Шагаев каби чарм қўлқоп усталари, Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Павел Бугало сингари футболчиларнинг давомчилари таълим олмоқдалар.

Термиз шаҳрида «Ўсмирлар спорт мактаб-интернати»нинг ташкил этилганлигига эндигина 3 йил бўлди. Шунга қарамаздан у аллақачон вилоятдаги энг яхши, намунали мактаблардан бири сифатида тилга тушди. Улар республикадаги куплаб ана шундай мактабларнинг терма жамоалари билан куч синашиб, куп ҳолларда ғолибликни қўлга киритдилар. Хуш бунга сабаб нима?

— Мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига етук футболчилар тайёрлаб

беришдир, — деди биз билан суҳбатда тажрибали педагог, мазкур маскан директори Алишер Хўжамбердиев. — Бу мақсадга эришиш учун спорт йўналишидаги умумтаълим мактаб-интернатлари тўғрисидаги «Низом»га оғишмай амал қилишимиз, ўқув-машқ ишларини қатъий интизом асосида олиб бормоғимиз лозим.

Яқиндагина мактабимиз «Интернат» жамоаси Республика биринчилигининг I-давра ўйинларида иштирок этишиб, фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Бунга албатта малакали спорт ўқитувчиларимиз Р. Маматмуродов, Ҳ. Ҳайдаровларнинг хизматлари каттадир. Яна мен шуни айтмоқчиманки, мана шу мактабни ташкил этишда, уни хоҳ моддий, хоҳ маънавий жиҳатдан бўлсин доимо қўллаб-қувватлаб, ўзининг фойдали маслаҳатлари билан ҳам ёрдамини аямаган, фидойий инсон ҳозирда меҳнат фахрийси Давлат Аннаевдан жуда миннатдормиз. Ана шундай жонқуяр инсонларимиз бор экан, болаларимиз ҳамиша юрт

### Соғ юрак — тоғ юрак

меҳри,  
муҳаббатини ҳис  
этиб улғайдилар!

Бугунги кунда 160 нафар еш футболчилар таълим олаётган бу маскан барча қўлайликларга эга булган ўқув хоналари, кутубхона, спорт заллари ва ётоқхонасига эга. Болаларнинг соғлиги эса ҳамиша меҳрибон шифокор Роҳила Ялкапова назоратидадир.

— Азамат Бозоров, Файрат Турдалиев, Анвар Пардаев, Мурод Раҳимов каби ёшлар мактабимиз фахри, — дейди маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Моҳира Самиева, — улардан умидимиз катта. Ишонамаки, улар келажакда Халқаро мусобақаларда иштирок этадилар ва фахр билан Ватан байроғини баланд кўтарадилар!

Биз ҳам бу кунларнинг келишига ишонамиз!

**Дилрабо ДАВЛАТОВА**





Бола ва дунё

## «БАЙРОҒИМИЗНИ КЎРИБ ЙИҒЛАБ ЮБОРДИМ...»

видео, компьютер ва барча қулайликларга эга булган иккита хона эмас, мана шу байроқ менга ажойиб совға бўлишини улар билишган экан...

— Оилангиз билан дарров тил топишиб кетдингизми?

— Укам ва синглим аэропортдан келишимиздаёқ менинг устимда талашиб қолишди. Райхоннинг онаси менинг хонамга яқинроқ, купроқ мен билан уйнайди, дейди Травис. Унинг гапига эътибор берма, қиз болаларнинг қизиқишлари мос келади, дейди Карли. Ота-онамнинг хусусий корхонаси бор экан. Компьютерларга дискет қуйиб бериш билан шугулланишар экан.

— Мактабларидаги таълим бизникидан фарқ қиладими?

— Ҳа. Юкори синфда бирон соҳага ихтисослашиб, фанларни эркин танлаш мумкин. Америка тарихи ва инглиз тили мажбурий. Бундан ташқари мен Америка давлат ҳуқуқи, алгебра, жисмоний тарбия, компьютерни танладим. Дарс машғулотларида видеотехникадан кенг фойдаланилади. Уйда ҳам ана шу машғулот кассеталарини қуриб тайёрланиш мумкин.

— Сиз билан бирга ўқиган болалар Ўзбекистон ҳақида билишармикан?

— Ҳа. Бир куни қарасам, синфдошларим бирин-кетин менга Сан-Францискода чиқадиган «Ньюс» рўзномасини келтиришяпти. Нима деб уйладингиз? Рўзноманинг уша сониди Самарқандда тарихий обидаларни таъмирлаш ҳақида мақола бор экан. Дусларимнинг ҳар бири мени қувонтириш ҳақида уйлаб, рўзномани мактабга олиб чиқаверибди.

— Америкалик тенгдошларимиз дунёқараши билан бизнинг дунёқарашимизни таққослаб қўрдингизми?

— Улар бизга нисбатан эртароқ мустақил ҳаракат қиладиган бўлишади. Масалан, узлари ишлаб пул топишади, бу уларда одат тусига кирган. Дугонам Явана дуконда сотувчи бўлиб ишларди. Болалардан айримлари ресторанда официантлик қилишарди. Қизлар купинча энагалик қилиб пул топишарди.

Райхон Американинг фахри — Голливуд, шу ердаги Хитой театри, турли студиялар, отаси Филипп Хэнн раҳбарлик қиладиган мотоциклчилар клубининг фаолияти ҳақида ҳам гапириб берди. Мен унинг ҳикояларини тинглаб утириб, Ўзбекистоннинг энг чекка туманларидан бирида туғилиб усган бир қизнинг дунёни таниши, балким, узини дунёга танитишининг бошланиши бу, деб уйладим.

— Буларнинг ҳаммаси учун энг аввало Мустақилликдан, Президентимиздан миннатдорман, — дейди Райхон катталардек мушоҳада билан. — Мактаб-гимназиямизда барча шароитни яратиб қуйишга интиладиган Бахтиёр Адаевдан, инглиз тили ўқитувчимиз Ирина Рўзимбетовадан ҳам...

Шароит булган билан, шу шароитга жавобан яхши ўқиш ҳам керак. Узингда ҳам ҳаракат бўлиши керак. Райхон бу ҳақда гапирмади. Чунки у камтар қиз.

**Нафиса Абдуллаева,  
Тўрткўл туманидаги  
8-гимназия — мактаб ўқувчиси.**

## ДИЛДАГИ ГАП ТИЛГА КЎЧГАНДА...

«Олтин мерос» жамғармаси қошида ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган байрам табриги бўлиб ўтди. Бу кунги шодиёнага шахримизнинг 11 та туманидан илғор ўқитувчилар, таклиф қилинди. «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари томонидан уларга эъдалик совғалари топширилди. Қуйида қатнашчиларнинг дилдаги гаплари билан танишасиз.

— Азиз устозлар! Маърифат, маънавият уйига хуш келибсизлар! Бугунги байрамимиз ҳаммамизга муборак бўлсин! — деб сўз бошладилар «Олтин мерос» жамғармаси раиси, сеvimли ёзувчимиз Худойберди ТЎХТАБОЕВ. — Хабарингиз бор менинг биринчи муҳаббатим мактаб эди. Ва ҳамиша у билан боғланиб келаман. Қаерга бормай, қайси валютада бўлмай биринчи бўлиб мактабларга кираман. Устоз ва ўқувчилар билан суҳбатлашаман. Уларнинг бугунги ютуқларидан қувонаман.

Маълумки, бола тарбиясида муаллимларимиз бош ролни ўйнайдилар. Демак сизнинг зимангизга эзгу ишлар юклатилган. Сиз жамиятнинг илғор, олға бораётган инсонларисиз.

Юртимизга чет эллардан турли технологиялар кириб келаяпти. Табиийки уларни урганиш керак. Бунинг учун эса тил билишимиз зарур. Бу ишда ҳам сиз, муаллимларнинг меҳнатлари бекиёсдир.

Келажаги булук давлатимизнинг ётуқ инсонларини тарбиялашда сизларга ҳамиша куч-қувват, муваффақиятлар тилайман.

**Муборак ЮНУСХЎЖАЕВА — Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раис ўринбосари:**

— «Маҳалла» жамғармаси қошида «Фахрийлар» жамоатчи гуруҳини ташкил қилганмиз. Улар ўз вақтида турли соҳада, раҳбарлик лавозимларида ишлаганлар. Бугунги байрамимизга уларни ҳам таклиф қилдик. Бу фахрийларимиз ўз маҳаллаларида ҳар бир ишга бош-қошлар. Қаерга бормайлик, биз билан биргалар. Уларнинг ҳаётий тажрибалари, доно маслаҳатлари ёшларга ҳамма вақт ёрдам беради. Улар ҳам мураббий. Демак, бу байрам фахрийларимизнинг ҳам байрамидир.

**Пахтагул РАСУЛ-ЗОДА — Шарқшунос. «Фахрийлар» жамоатчи гуруҳининг аъзоси:**

— Куп йиллар Тошкент транспорт институтида доцент бўлиб ишлаганман. Лекин ҳеч бир замонда ўқитувчи ва мураббийларга бу йилларчалик эътибор бўлмаган. У ҳам бўлса истиқлолимиз туфайлидир. Буни бизнинг невараларимиз дилдан ҳис қилмоқлари лозим.

Менинг онам 1922 йилда Андижон вилояти, Балиқчи қишлоғидан Наманган вилояти, Норин туманидаги Жужа қишлоғига бориб ўқитувчилик қилганлар. Бугунги кунга келиб онам ўқитувчилик қилган уша 44-мактаб қошида уларнинг музейлари ташкил қилинди.

**Лолахон МУСЛИМОВА — Тошкент шаҳар «Соғлом авлод учун» жамғармаси бош мутахассиси:**

— Келажак авлодимизнинг соғлом, баркамол бўлишида ота-оналар қаторида устозларимиз ҳам бирдек масъулдирлар. Биз бутун уларнинг байрамларини биргаликда нишонлар эканмиз, қалбимизда кучли ҳаяжон, қувонч пайдо бўлади.

Бугунги мураббийлардан сабоқ олаётган ёш авлодимиз биздан ҳам билимдонроқ бўлиб улгайяптилар. Бу ҳам бўлса устозларимизнинг машаққатли меҳнатлари маҳсулидир.

**Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.**

## ЗАМОНГА МОС МУАЛЛИМЛАР

— Ғайрат ака маълумки истиқлол йилларида мамлакатимиз халқ таълими тизимида қайта ўзгаришлар бўлди. Бу эса ўқитувчилардан юксак маҳорат, катта меҳнат талаб қилади.

— Ҳақ гап. Республикамиз мустақилликка эришгач халқ таълими тизимида туб бурилиш бўлди. Миллий дастур асосида дарс бериш ижобий натижалар бера бошлади. Ёшларимиз Ўзбекистон тарихини, адабиётини санъатини чуқур урганишмоқда. Инглиз, француз, немис, турк ва бошқа хориз тилларини урганишга қизиқиш ортаёпти. Бугунги ёшлар учун ЭҲМ, компьютерлар янгилик эмас.

Бугунги кунда Қарши шаҳримиздаги 40 та мактабда халқимизнинг 38 минг нафар угил — қизлари таълим-тарбия олишяпти. Илм масканларида 79 та лицей-синфлар, 76 та гимназия — синфлари жорий этилди. Бундан ташқари лицей — мактаб, гимназия — мактаб ва махсус мактаблар фаолият курсатаёпти.

— Мактабларнинг ўқув-моддий базаси етарли бўлса-да, барибир ўқувчининг билим олиши ўқитувчига боғлиқ. Демокриманки, сизнингча ўқитувчиларнинг тажрибаси талабга жавоб бера оладими?

— Шаҳримиз илм масканларида 2546 нафар ўқитувчи ёш авлод таълим-тарбияси учун фидойийлик курсатишяпти. Жумладан янги ўқув йилидан бошлаб 80 нафарга яқин ёш мутахассислар са-



фимизга қушилди. Ҳар бир ўқитувчи, устоз деган шарафли номга сазовор бўлиш учун ҳалол меҳнат қиляпти, десам янглишмайман. Муаллимлар ўз устларида ишлайдилар, изланадилар.

Буни янги йилда «Тонг юлдузи»га обунамиздан ҳам биласиз. Болалар билими газетхонлигидан ҳам билинади.

«Шоли курмасиз булмас», деганларидек шунчаки кун утарга мактабда ишланиш орзу қилган кимсалар ўз-ўзидан бошқа касб этагини туғиб кетишди. Бироқ илм масканларимизда ўз касбининг фидойилари учун доимо эшигимиз очик.

Утган ўқув йилида 9 та турли илмий — методик брошюра, 3 та адабий-ба-

дий тўпламлар чиқаришга эришилди. 115 та маъруза ва рефератлар тайёрланди. Шаҳримиздаги 2-мактабда «тасвирий санъат буйича дастурни синаш» мавзусида республика миқёсидаги семинар-кенгаш утказилди. Вилоят миқёсида утказилган фақ олимпиадалари натижасига қўра шаҳар халқ таълими бўлими 1-уринни эгаллади. 1-гимназия мактабининг 9-синф ўқувчиси Роза Сафарова танловда голиб бўлиб Америка Қўшма Штатларига ўқишга қабул қилинди.

Илғор ўқитувчилар меҳнати қадрланиб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаяпти. қўлаш, улар учун совға — саломлар ташкил этиш анъанага айланган.

Энди ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига келсак, ҳар бир мактабда синф раҳбарлари узлари ўқитаётган синф ўқувчиларининг оилавий аҳволи билан яқиндан танишиб, кам таъминланган оилаларни аниқлашди. Ва дарсликлар бепул берилди. Бу борда шаҳар хокимлиги ташкилот ва корхоналар саҳоват курсатишди. Бундан ташқари муруватли кишиларнинг ташаббуси билан аълочи ўқувчиларга стипендиялар, энг илғор мураббийларга мукофотлар ташкил этилаяпти.

«Тонг юлдузи» муҳлислари ўз газетларига эга бўлишлари ҳам — эътиборимиздан...

**Ғайрат ТЕМИРОВ  
билан суҳбатдош:  
Абдулла АЙИЗОВ.**

Бобом раҳматлик айтар эдилар.

«Сариқ сумалак йиглаб адо бўлди. тор кучаларда аёз совуқни дами кесилгандек сезилади.

Чоллар гимирлашиб қолишди-да Чорсуга тушиб эски намозгоҳдаги Расадхонага келиб тошларга қарашади.

— Расадхона нима? — деб сўрайман.

— Ярим айланадек тошдан ясалган тош дарвоза. Офтоб нури сал нарида қатор терилган тошларга тушишига қараб фасл ва кунларни аниқлашади.

Урушдан кейинги даврлар эмасми бу болалар Улугбекни эмас Павлик Морозовни билар эдик. Расадхона эса инчинун.

— Расадхона нима? — деб бобомдан яна сўраганимда

— Жаҳолат давридан қолган тош бинода, — кунни, фаслни, йилни аниқлашади.

Йиллар утди. Камина бу расадхонани сураб суриштирганимда маълум бўлдики, қандайдир тош қурилма булган майдонни, номи «Эски намозгоҳ» Офарин! Абдулла Қодирийни эслайман. «Утган кунлар» румонида «Қатллар «Эски намозгоҳда буларди» деб айтади. Отабек дукондор таниши билан шаҳар ташқарисига сайлга чиққанда қайтиб келишгач қипчоқ қарғишига дуч келдилар...

Нега «Эски намозгоҳда» қатл қилинади? Бобомни айтишича Тошкент ҳукмдорларини узлари меҳр куйган жойлари булиб уни обод қилганлар. Бароқхон Хастимомни, Юнусхон «Шайх — Хон Тоҳур»ли, Худоевхонни оңаси Маллахон эса Чорсуни обод қилганлар. Демак хонни амрини халққа эълон қиладиган ва ижро майдонни «Эски

намозгоҳ» булган.

Расадхона қачон қурилган? Исломига олимлар тарихни «жаҳолат» даври ҳисобланади. Маданий қатламларни аста варақлаб уни сирига етишга ҳаракат қилсак, Тошкент шаҳрини энг қадимий маркази «Махкама масжид» ҳозирги метродан «Чорсу» меҳмонхонаси тарафидан чиқадиган жойга чиқамиз.

Махкама масжид шаҳарнинг энг кўхна ибодатхонаси бўлиб атрофида Зол, Кайндус шохнинг авлодлари яшаган. Отам навқарлар сулоласини вакили масжид жомийдан кўра «Махкама масжид»да жума намозини ўқишга кўпроқ интиланлар. Одатда араблар забт этган мамлакатни ибодатхоналарига еки уни бузиб ўрнига масжид қурганлар.

Тошкентни босиб олган Уккинкоша лашкар бошини нлмдаги масжид (ҳозир Чорсуда ҳам намоз ўқилади). «Эски намозгоҳдан нарига кучган. Сабаби бу расадхона атрофи «Навруз» байрамини нишонлайдиган ва халқ сайиллари буладиган жой булган (камина бу ҳақида «Табиат расулли Навруз келди» мақоласида битганман).

Халқни асрий одатини тез бузиб бўлмасдан «Мусулмончилик аста-секин» дегандек оташпарастрлар ибодатхонаси нафақат сақланиб қолган балки намоз яъни ибодат, қилишган. Ойим раҳматлик айтур эдилар.

— Ёмғир булмади. Одамлар хавотир ва бесаранжом. Эски намозгоҳда намоз ўқилдиган бўлди. Намозга тушдим, вой-бу қурбақаларни ипга териб осиб куйишибди.

— Намозга аёллар бориш-

майди-ку — деб опам менга ҳайрон қоладилар. Демак, эски намозгоҳдаги ибодат оташпарастрларни яъни аёлларни қатнашишини ҳам сақлаб қолган. Мантиқли фикрми? Баҳс-йулини бети-

### Бизнинг тарих

ним яъни бир ахборот бераман.

«Навруз» даврида бу майдонда йигит ва қизлар кураш тушган. Қоидалари қизиқ булган. Қиз йигитни белдан қулини утказиб бирлаштира эди йигит ютқазган...

«Эски намозгоҳ»да ислом олимлари тарафдорини тарифига «Жаҳолат одоблари» сақланиб қолган.

Ойимни айтишларича намоз ўқилгач яъни ибодат тавом булгач қурбақа солинган кузачалардаги қатиқлар ичилганми ё сотилган хотирамда қолмади. Қурбонлик ҳам қилишган тафсилоти эса туғриси каминани ҳам жаҳолати анчагина эътибор бермаганман. Кейин билсам қурбақа солинган қатиқ муздек сақланган.

Бобом раҳматлик бегубор инсон эдилар. Оппоқ соқолли булсада болаларга хос самимий, содда

шухликлари бор эди. Бир куни худди тенгдош уртоқлардек сузлаб мақтанган эдилар.

Ман-чи, «Кукалдош» мадрасасида кўпроқ учирганимда кўроқ «Эски намозгоҳни» устидан учиб утиб Муқимийни отасини ҳовлиси устида думи лиқиллаган...

— Хо Сиз тепадан учиргансизда.

— Исломи мадрасаси жаҳолат мадрасасидан юқори қуриладида...

Оддий хабарга фахм-фаросатни ёйиб таҳлил қилсак. Чорсудаги оташпарастрлар ибодатхонаси булган табиийки уз илмалирини вакиллари яшаб ижод этган мадраса ҳам жаҳолат давридаги ҳам шаклан ҳам мазмунан юқори эканлигини исботи учун Кукалдош мадрасаси тепаликка қурилган...

Инсонларга керакли илм эса дойим сақланиб қолади. Расадхонадан фақат кунларни аниқловчи тош қурилма қолиб коммунистлар даврида бузилиб кетди.

Матбуотни одатида фарз, гумон, шубҳалар булса ҳужжатий тасдиқланмаса «харомга» чиқарилади.

Матбуотни бағри кенг бўлди, рост бўлсин. Барибир исбот керакда тарихий маълумотларда битилади. «Чир-

чиқ суви тошиб қадимий кутубхонани тошқин олиб кетди. Ҳафта давомида сувда китоб оқди. Китоблар оташпарастрлар давридан қолган қадимийлари ҳам бор эди. Чорсуни сув босиши аниқроғи «Эски намозгоҳда» тошқин булиши мумкинми? Бу саволга жавобни куни-кеча олдим.

Замонамизни машраби, боғ ҳовлимизда маҳалладош булган шоиримиз (умри узоқ бўлсин) Толиб Йулдош жавоб берди.

— 1937 йилда кўп ёмғир ёғиб ҳаммаёқни сув босди. Махкама масжид олдидаги гишт кўприкка келган. Сув тикилиб маҳалладаги уйларга кутарилди. Кучаларни тўсиш учун арвалар сафарбар қилинди. Ҳарбийлар тупидек келадиган бомбани гишт кўприкка ташлаб портлатдилар. Кўприк бузилиб сув зах аригига оқиб кетди.

«Эски намозгоҳ»ни пастга қурилгани устига лойли иморатларни сув оқизиб кетиши мантиқан туғри. Тош қурилмани сақлаб қолиши табиий ҳол...

Олам сирларга тула, кимдир унинг пардасини озгина кутаради, сирли пардаларни очиши билан гаштли ва мароқли, гузал. Балки кенгроқ уни сиз очарсиз?..



Сўхбатдошларим — Жеймс Бретт ва Жон Уорд Америка фуқаролари. Бундан ташқари уларнинг яна бир умумий жиҳатлари — иккаласи ҳам Тинчлик корпусининг Ўзбекистондаги вакили. Жеймс Бретт Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқул шаҳридаги 8-мактабда, Жон Уорд эса Хива шаҳридаги Беруний номли гимназияда иқтисоддан сабоқ беради.

— Мистер Бретт, тенгдошларимиз узларининг ҳулқи, ҳатти-ҳаракати катталарнинг муносабатини билишга қизиқишади. Айниқса, ўқитувчисининг...

Жеймс Бретт:

— Болалар ҳамма ерда ҳам бир хил. Интилувчан, шуҳ, уйинқарок, қизиқувчан... Ўзбек болаларининг эса катталарнинг ҳурматини жойига қуйиши, салом — алик одобни жуда ажойиб. Америка билан Ўзбекистон орасидаги масофа жуда катта. Аммо ўқувчиларимнинг Америка ҳақида жуда кўп нарса билиши, инглиз тилини бажонидил органи-

## «ҲАММА БОЛАЛАР БИР-БИРИГА ЎХШАЙДИ...»

ши мени ҳайратга солади. Мана, сен билан ҳам инглиз тилида сўхбатлашяпмиз-ку...

— Америкалик болалар ҳам Ўзбекистонга қизиқишадими?

— Ҳа, албатта. Ўзбекистонга 1996 йилда келган булсам, ҳар сафар юртимга борганимда, каттаю-кичик навбатдаги таассуротларим ҳақида эшитишга ошиқадилар. Биз Бухоро, Хива, Самарқанд ҳақида эшитган булсак ҳам, Ўзбекистон ҳақида собиқ СССРнинг бир бўлаги сифатида тушунча бор эди. Мустақил Ўзбекистон — буюк мамлакат ҳақидаги ҳикояларим қариндошларим, дўстларимда жуда катта қизиқиш уйғотди. Уларда Ўзбекистонни кўриш истаги туғилди. Саёҳатга келган акамни кузатганимга бир неча кун бўлди. Биргина Тўртқул ва элликқалъадаги қадимий қалъалардан олган таассуротлари бир олам...

— Бирон нарсани органишни истаган, имкони булса болалардан урганган маъқул. Чунки улар худди ўқувчиликдек мураббийликни ҳам урнига қуйишади. Ахир, катталарга тақлид қилишни яхши қурамыз-да...

Жон УОРД:

— Буни таъкидламасанг ҳам шу ҳақда айтмоқчи эдим. Мен кўп нарсаларни болалардан, ўқувчиларимдан ургандим. Тайёргарлик даврида бизга ўзбек халқининг урф-одатлари ҳақида гапириб беришган булса ҳам, дастлабки пайтларда дастурхон атрофида бир уй билан утирардим: ишқилиб бирон нарсани хато қилиб қуймасам бўлди... Атрофдагиларни кузатиб, улар нима қилса шуни тақрорлардим. Кейин кейин органиб кетдим. Ҳатто дарсада бирон ўзбекча сўзни нотўғри талаффуз қилганимни ҳам болалардан билиб олам, агар шундай булса, ўқувчиларим ялт этиб менга қарашади ёки

### Муносабат

жилмайиб қуйишади, кейин сўзнинг тўғри талаффузини ургатишади.

Туйларингиз жуда узоқ давом этар экан, катта дастурхон ёзилар экан. Бир туйда қатнашгач, эртаси яна шу ҳонадонга тақлиф қилиндим. Қарасам, яна тумонат одам. «Кеча уйланиб булмадим» — дебман мен. Кеча куёв жўраларнинг зиефати эди, бугун келин келади, деб тушунтиришди. Ҳозир мен америкалик сайёҳларга ўзбек туйлари, урф-одатлари ҳақида бемалол гапириб бера олам.

Энг яхши ўқувчиларингизни санаб беринг, деган саволимга Ж. Бретт ҳам, Ж. Уорд ҳам, агар номма-ном айтсак, бошқалари хафа булишади, деб жавоб беришди. Болаларни яхши ва ёмонга, билимли ва билимсизга ажратмаган афзал, дейишди.

Ҳақиқатдан ҳам шуниси маъқул, шекилли...

НАФИСА сўхбатлашди



Яқинда тахририятимизга термизлик тенгдошингиз Рамзес деган боладан хат келди. Рамзес ўзининг суюкли бувижониси ҳақида ёзди: «Бувимни бутун кучамизнинг болалари яхши кўришиб эртакчи буви» дейишади. Чунки бувим жуда кўп эртак ва афсоналар билади», — дейди Рамзес бувижонисининг

баъзи афсона ва эртакларидан сиз тенгдошларига ҳам илиниб, бизга юборибди.

Кўйида ана шу эртаклардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этаймиз. Азиз болалар, сиз ҳам ўз бувижонларингизнинг бисотидаги халқ оғзаки ижодига мансуб шеър, кўшиқ, масал, афсона ва эртакларни бизга ёзиб юборишингиз мумкин.



Қадим замонларнинг бирида, Машриқ томонда бир чиройли қишлоқ булган экан. Бу қишлоқда бир чол билан қизи яшар экан. Чол утинчи булиб ҳар кун саҳарлаб тоғу тошларга утин теришга чиқиб кетиб, кечга томон уйига қайтар ва терган утинларини бозорга чиқариб сотар экан. Ота билан қиз шундай қилиб кун кечириниб экан. Чолнинг қизи жуда меҳрибон, беш панжаси ҳунарга ботган экан. Дадаси утин териш учун чиқиб кетган, қиз уйларни йиғиштириб, ҳовлиларни супуриб юраркан, оёғи остида урмалаб бораётган бир қуртга кузи тушибди ва дарахтдан тушган булса керак деб тут дархтининг баргига қуйибди. Орадан анча пайт ўтибди. Бир кун қиз тут дархтининг шохларида осилиб етган пиллаларга кузи тушибди. Қиз ҳайрон булиб пиллаларга қараб турса, пилла ичидан овоз келиб: Менга қилган яхшилигинг эвазига буларнинг ҳаммаси сеники, териб ол буларни, кейин эса ундан ип йиғиргин, — дебди. Шунда қизнинг эсига ҳовли юзидан топиб, баркка қуйиб қуйган қурт тушибди.

Шундай қилиб, қиз дадаси қайтгунча пиллаларни териб, улардан ип йиғириб қуйибди. Чол қайтиб келиб, қизининг ишидан хабар топиб роса хурсанд булибди ва тун буйи ухламай қизи йиғирган ипдан чиройли газлама туқибди. Чол газлама туқитганда, азбаройи чарчагандан кузи уйқуга кетиб қолар, қулига дастгоҳни урчуқлари кириб, қонатаркан. Бир амаллаб туқиб булиб ухлаб қолибди. Саҳарлаб уйғонган қиз оқ ва қизил рангли лов-лов ёнаётган газламани куриб кузлари яшнабди. Чол уйқуда туриб ўзи туқиган газламани таний олмабди. Мен туқиганим оқ рангли матоҳ эдик, қизил ранг қаердан келди экан — дебди, бечора чол. Кейин эса эсига учуқ кирган қулининг қони томгани тушибди. Чол утинчиликни ташлаб,

энди бозорда чиройли газлама сотадиган булибди. Харидорларга газламанинг баҳосини ҳам утин баҳосидан айтибди. Шунда бир савдогар, «Эй, нодон, шундай чиройли нарсани ҳам, утин баҳосида сотиш мумкинми?» — дея унга танбеҳ берибди. Шундан сунг чол атласни қиммат баҳога сотадиган булибди. Энг қизиги, тут дарахти устида ҳар уч ойда худди шундай пиллалар пайдо булавераркан. Чолнинг қизи ҳар хил гуллардан атлас учун ранг тайёрлабди. Отаси туқиб булган газламага, қизи чиройли нақшлар соладиган булибди. Энди бутун бозор ота билан қизнинг атласига харидор эмиш. Бир кун мамлакат шоҳи бозордан утиб кетаётди, қарасаки одамлар таллашиб, уриниб-суриниб нимадир харид қилишяпти. Подшоҳ яқинроқ бориб разм солибди ва кузи қуёшда товланаётган атласга тушибди. Шу куннинг узиеқ подшоҳ чолни саройга қақириб, ундан бутун сир-асрорни билиб олгач, энди дастгоҳларингни кучириб, менинг қасримга олиб келасан. Сен туқиган барча атласни узим сотиб оламан — дебди. Чол хурсанд булиб, қизининг ёнига қайтибди. Бу хабарни эшитган қиз. Мен хон саройига бориб ишламайман — дебди ва дадасини қайтиб «подшоҳ ёнига юборибди. Чол қизининг кунмаётганлигини айтиб, подшоҳдан узр сурабди. Орадан кўп ўтмай подшоҳ қизга совчи қуйибди, уни уелига қилин қилмоқчи булибди. Чолнинг боши кукка етиб, рози булибди. Шундай қилиб, подшоҳ қизни келин қилиб, саройга олиб келибди ва «анчадан буён йўқдан бор қилувчи келин излаётган эдим, чунки бундай келин эрининг хазинасига хазина қушади» — дебди.

Уша-уша хонлар саройида хонатлас туқувчилари ва атлас пайдо булган экан.

**Рамзес МЕНГЛИЕВ,**  
Термиз шаҳридаги  
3-мактабнинг 7-синф  
ўқувчиси.



Қадим замонда, Бойсун деган томонда ёлғиз бир аёл яшаган экан. Унинг бор-йўғи бир эчкиси булиб бу эчкига у жуда ҳам урганиб қолган экан. Бир кечаси ой тутилиб, кучли бурон қутарилибди. Кучли бурон қутириб, бечора аёлнинг уйини бузиб юборибди. Аёл эчкисини қучоқлаб қурққанидан дир-дир титраб утирса, бир улкан нарса оёғи остига гурсиллаб йиқилибди. У

шу нарса эсингда бўлсинки, бу боғдан сув ҳам ичмайсан, мева ҳам емайсан, боғдан кезиб ўтганинда кимдир қақирса қармайсан, яна боғ тугаб, қирлар бошланади, сен тинмай юраварасан ва ниҳоят баланд тоғ устида қурилган чайлага дуч келасан. Шу чайлага кирсанг сени бир чўпон кутиб ўтиради. У сенга йўргакланган бола тутати...

Дев гапини тугатиб, аёлни йўлга тушишга шошилтириб-



не кўз билан кўрасаки, бир кузи дев чўзилиб етган эмиш. Дев инграб аёлдан: егуликка бирор нарса беришини, булмаса очликдан олиб қолишини айтибди. Аёл эса: «Сенга беришга ҳеч нарсам йўқ, булмаса жон деб берардим» — дебди. Дев булса: «эчкингни бер, мен уни есам, тирик қоламан» дея ёлворибди. Охири аёлнинг девга раҳми келиб, йиғлаб-йиғлаб эчкисини унга берибди. Эчкини еб олиб, кучга кирган дев аёлга. «Тила, тилагингни», дебди. Аёл: «қанийди бирорта фарзандим булганда эди, бу дунёда армоним қолмасди», дея ундан фарзанд сурабди.

— Энди менинг гапимга кулоқ сол, — дебди дев, — сен менга яхшилиқ қилдинг, мен ҳам сенинг тилагингни бажо келтираман. Фақат сен ҳам айтган гапларга амал қиласан. Ҳозир ой тутилган тун кечаяпти. Сен шу фурсатда йўлга тушасан. Қаршингдан уч йўл чиқади. Сен ўртадаги йўлни танлаб кетаварасан. Олдиндан катта гўзал боғ чиқади. Аммо

ди. Аёл йўл юрибди, йўл юрса ҳам мул юрибди. Дев айтган уша гўзал боғга кириб келибди. Бу боғда булбулигулар сайраб, гуллар очилиб, ҳар-хил шириншакар мевалар фарқ пишиб етган эмиш. Ариқларда шилдираб оқаётган зилол сувлардан аёлнинг роса ичгиси келибди. Аммо девнинг сузлари эсига тушиб, қурқиб кетибди. Боғни кесиб чиққан экан, олдиндан катта қир чиқибди. Аёл йўл юриб, ҳолдан тойиб уша чайлага етиб борибди. Унга кириб чўпоннинг қулидан йўргакланган болани олибди-ю, ортига қайтибди. Қишлоғига тонг маҳал кириб келса, хароба уйининг урнида ҳашаматли қаср турганмиш. Аёл бу Девнинг иши эканлигини билиб, роса хурсанд булибди. Қасрга кириб не кўз билан қарасаки, уйнинг ичи бир умрга еттулик хазинага тула эмиш.

Шундай қилиб, камбағал, бечаранд аёл, қилган яхшилиги ортидан бой-бадавлат, фарзандли онага айланибди.

Бор эканда, йўқ экан, қадим-замонда бир чумчуқча булган экан. У ниҳоятда ҳушёр, ақлли, андаккина айер экан. Чумчуқча шохдан-шоҳга қуниб, қаерда қурт-қумурсқа, туқилган ушоқ кўрса дарҳол еб, қорнини туйгазиб олар экан. Бир кун у бир бой одамнинг ҳовлисига кириб, ерда сочилиб етган ушоқларни териб еб юрса, қорни катта бой болаларига «анави текинхур чумчуқни ҳайданглар» дебди. Бойнинг болалари булса, қулларига тушган кесак, тошни бечора чумчуқча учиб кетаётди йўлда бир сиқим пахта топиб олибди-да, бир кампирнинг уйи устига қуниб: «Бувижон, бувижон, мана шу пахта чигитидан ажратиб беринг», дебди. Кампир: «Бор, бор ишим бошимдан ошиб етибди ҳозир», деган экан, Чумчуқча дик-дик сакраб: «Ҳой кампир сизга айтяпман пахта чигитидан ажратиб бермангиз.

**Болангизни гирён қиламан,**  
**Ўзингизни ҳайрон қиламан,**  
**Уйингизни вайрон қиламан,**  
— деб қўрқитибди.

Кампир қурққанидан пахта чигитидан ажратиб берибди. Чумчуқ булса, чигитидан ажратилган тоза пахта ип йиғирувчининг қошига олиб борибди. Ип йиғирувчи ундан ип йиғириб берибди. Чумчуқ ипни туқувчининг олдига олиб келиб, менга матоҳ туқиб беринг, — дебди. Туқувчи матоҳ туқиб, гул босиб берибди. Чумчуқча чиройли гулли газламани туқувчига олиб бориб: «менга жуда ҳам чиройли куйлак тикиб беринг» — дебди. Туқувчи чумчуқча мослаб чиройли куйлак тикиб берибди. Чумчуқча куйлакни кийиб, ҳалиги хасис бойнинг уйига келиб:

**Ҳой, ҳой, ҳой,**  
**Қорни катта бой,**  
**Куйлакларни лой**  
**Менинг куйлагим ой,**  
деб қўшиқ айтибди.

Буни қурган бойнинг роса жаҳли чиқиб, кун буйи чумчуқни ушлаб, улдираман деб ортидан югурибди. Аммо энди етай деганда чумчуқча пир этиб учиб кетаркан. Охири чумчуқ қорни катта хасис бойнинг томига қунибди. Уни пойлаб, бой томга ҳарсиллаб, чиққан экан, азбаройи оғирлигидан, том уширилиб кетиб, бой ерга гурсиллаб тушибди. Айер чумчуқча булса ниятига етиб, хасис бойнинг устидан кулакула учиб кетибди.



# ЎШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI


“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



## ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ

Абдулла ОРИПОВ

Юргил, далаларга кетайлик, дўстим,  
 Диққанафас уйда ётмоқ пайтимас.  
 Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун  
 Бир пари фасанинг оғушида маст.  
 Шабнам шовуллайдди боғлар кўйида,  
 Салқин туман ичра бўзарар тонглар.  
 Кўёшнинг эринчоқ ёғдуларида  
 Нафис ялтирайдди барги хазонлар.  
 Ҳар ёнда тўқиллик,  
 Кўздан нишона.  
 Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.  
 Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,  
 Менинг шодликларим, эзгу дардларим,  
 Менинг она халқим...  
 Эй қадим ҳалол,  
 Ризқи она ерга сепилган халқим,  
 Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол  
 Ҳар битта эгатга эгилган халқим,  
 Бир нафас бошингни кўтаргину боқ:  
 Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз.  
 Сенинг ўзинг каби ўйчан ва кубноқ,  
 Хушфеъл бўлиб келмиш тупроғингга куз.  
 Улуғ Алишернинг соч оқин кўриб,  
 Оғир хаёлларга чўмган бу фасл.  
 Қайрағоч ёнида тамгин ўлтириб,  
 Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл,  
 Азалий кўркини қилади кўз-кўз...  
 Наҳотки шунча тез айланар дунё?!  
 Бахтли кексаликни ёдга солар куз,  
 Сокин хилватларга чорлайди, аммо,  
 Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибоғ,  
 Хилватда ўй суриш ярашмас бугун.  
 Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?  
 Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.  
 Ҳар ёнда ҳоким бир ташишли илҳом.  
 Кўёш бота бошлар... гавжум қарларга  
 Қорая-қорая тўшалар оқшом.  
 Эҳ, кузги оқшомлар...  
 Дилимда менинг  
 Тераи туйгуларим кўзгалар жўшиб.  
 Кўзгалар-у, шу дам қалбимдан секин  
 Тўкила бошлайди ойдин бир кўшиқ.



УШБУ СОНДА:

„ИҚТИСОДИЁТДАН  
САБОҚЛАР“  
КОНКУРСИ  
ДАВОМ ЭТМОҚДА

7-БЕТ

БИР БОР ЭКАН,  
БИР ЎЎҚ ЭКАН.  
ПУЛ ДЕГАН  
БЎЛГАН ЭКАН...

8-БЕТ

МАҲСУЛОТИНГ  
ҲАҚИДА  
БОЛАЛАРГА АЙТ.  
ОЛАМГА  
ДОСТОН БЎЛАДИ

9-БЕТ

Агар неча хил вазиятда  
салом бериш керак, деб  
сўрасалар, етти хил шаро-  
итда деб айтгил.  
САЛОМ БЕРИШ ОДОБИ


10-БЕТ


Дарахт учидаги новдалари  
ва шохлари чўзилиши ҳис-  
бига ўсиб ва йўғонлашиб  
боради. Шохларнинг учида  
доимий равишда янги хужай-  
ралар пайдо бўлиб туради.  
ДАРАХТЛАР ҚАНДАЙ ЎСАДИ?

11-БЕТ

ЎЙН Майдончаси

12-БЕТ





# ҚОНУН ВА ҚОНУНЧИЛИК

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

## ҚОНУН НИМА? УНИНГ ИЖРОСИ УЧУН СИЗ ЎЗИНГИЗНИ ҚАНЧАЛИК ДАХЛДОР ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?

Қонун деганда объектив борликда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган зарурий боғланиш, муносабат тушунилади. Масалан:

- табиат қонунлари;
- диалектика қонунлари;
- кўшимча қиймат қонуни;
- талаб ва таклиф қонуни;

Бу қонунларнинг амал қилиши кишилар ихтиёрига боғлиқ эмас.

Агар табиат қонунлари стихияли тарзда кўринса, бошқа ижтимоий қонунлар эса кишиларнинг онгли фаолиятида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, қонун - бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий норма ва муносабатларни белгиловчи расмий қоидадир.

Масалан:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Жиноят қонунлари;
- Меҳнат қонуни;
- Ер тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

Бу қонунларда бажарилиши шарт, мажбурий бўлган норма, қоида тусига кирган талаб ва топшириқлар ўз аксини топади. Масалан, Конституцияга риоя қилиш барча учун қонундир.

Қонуннинг олий юридик кучи унинг дахлсизлигида намоён бўлади. Қонун чиқарадиган органдан бошқа ҳеч бир орган уни бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин эмас. Давлат органларининг ҳамма аклари унга мос бўлиши лозим. Қонун давлат ҳуқуқи актлари тизимида ҳукмрон максадага эга. Унда белгиланган нормалар, одатда асосий ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг ижроси учун ҳамма бирдек дахлдор. Қаердаки қонунларга амал қилинадиган, унинг нормалари бажариладиган бўлса, ўша жойда тартиб-интизом, осойишталик бўлади. Қонунларга итоат этиш барчамиз учун мажбурий, айни пайтда фуқаролик бурчимиздир. Унга жамиятда қанчалик амал қилиниши ҳаммамизга бирдек боғлиқ. Ҳар биримиз қонун ижроси учун масъулдирмиз. Буюк файласуф Гераклит айтганидек "Қонун

халқининг таянчи, уни химоя қилувчи кўрғондир. Бу кўрғонни муҳофаза қилиш шарт"

## ҚОНУНЧИЛИК НИМА? ИҚТИСОДИЁТГА ОИД ҚАНДАЙ ҚОНУНЛАР ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН?

Қонунчилик - бу ҳуқуқ нормаларини ифода этиш ва мустаҳкамлаб қўйишнинг асосий шаклидир. Ўзбекистон Республикаси ўзининг қонунчилик фаолиятида халқаро қонунлар ва нормаларнинг устунилигини қонунан мустаҳкамлаб қўйди. Унинг қонуний ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз ичига олади.


Бозор иқтисодиёти қонунчилиikka таянади. Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қатор асосий қонун ҳужжатлари, шунингдек, қонунларнинг бутун бир тўплами қабул қилинган. У "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси" деб номланган.

Иқтисодиётга оид бўлган қонунлар таркибида мустақил аҳамият касб этадиган кичик соҳалар ажратилади. Масалан, хусусийлаштиришга, мулк ва тадбиркорликка оид қатор қонунлар шулар жумласидандир.

## ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ЎРТАСИДА ФАРҚ БОРМИ?

Қонунчилик деганда органлар ва мансабдор шахслар, фуқаролар, жаммоа бирлашмалари ва ташкилотлар томонидан қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг оғишмай бажарилиши тушунилади. Қонунчилик инсон қандай ҳуқуқларга эга эканлигини, бу ҳуқуқлар ҳаётга татбиқ этилиши учун нима қилиш кераклигини очиб беради. Қонунчилик ҳуқуққа асосланган барқарорликдир. Шунинг учун Шарқ маърифатчилигида энг ёмон қонун ҳам қонунсизликдан яхши, деб ҳисобланган. Чунки қонунни ўзгартириш, та-



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

комиллаштириш мумкин, қонунсизлик эса турли ихтилофларга сабаб бўлади.

Ҳуқуқий тартибот деганда ижтимоий ҳаётнинг нормал, қонунга мувофиқ кечиши, яъни ҳуқуқ асосида, қонуннинг ҳукмронлиги натижасида вужудга келтирилган тартиб тушунилади.

Қонун талабларидан чекиниш, қонунчиликни бузиш ҳуқуқ-тартиботга, пировардида эса давлат томонидан кўриқланадиган манфаатлар ва ўзаро муносабатларга таъовуз қилиш демакдир.

"Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, - деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, - ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий фаолиятнинг тадбиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан қафолатланган эркинлиги, мулкчиликнинг барча шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий химояланганлиги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантанасининг энг муҳим омиллидир".

Қонунчилик демократик давлат тузумининг асосидир. Демократиямиз қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ томонидан назорат қилиниши ва ҳ.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчиликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқларининг камситилишига, ташаббусни, бу фаоллигининг пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ ҳокимиятини фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан қонунларнинг бир хил тушунилиши ва оғишмай бажаралишисиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Демократиясиз қонун-

чилик йўқ. Аммо қонунчиликсиз демократия ҳам йўқ.

## ҚОНУННИНГ УСТУВОРЛИГИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Қонуннинг устуворлиги деганда ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъият ҳукмронлиги тушунилади.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонуннинг устуворлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устуворлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ бўлиши;
- давлат бошқарув органлари қонунлари ва уларни бажариш юзасидан чиқарилган қарорларнинг давлатнинг қуйи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;
- маҳаллий органларнинг марказий ҳокимият органларининг ҳужжатларидаги кўрсатмаларни қатъиян бажариши;
- жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятга марказий органларнинг аралашувига йўл қўймаслик;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оғишмай амалга ошириш;
- давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зўравонлик қилишга йўл қўймаслик;
- фуқароларнинг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ туриб бажаришлари.

Бу устуворликларни бузиш, уларни ижро этмаслик, қонунларга турли йўллар билан бўйсунмаслик давлатни обрўсиз-

лантиради, тараққиётга тўсқинлик қилади.

"Қонуннинг устуворлиги, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир".

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИНИШИ КЕРАК?

Қонун устуворлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

**Биринчидан,** қонун билан таъминлаш. Фақат ўз вақтида қонунни ишлаб чиқиш ва уни қуча киритиш билангина оддий кишиларнинг қонун қучига бўлган ишонч кафолатини юзага келтириш мумкин. Масалан, Ўзбекистон ўз Конституциясини вақтида ишлаб чиқди ва қуйидагиларни кафолатлаб қўйди:

"Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир" (37-модда);

"... Барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар..." (38-модда);

"Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" (40-модда);

"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга..." (41-модда) ва ҳ.к.

**Иккинчидан,** қонуннинг амал қилишига ишонтириш. Чунки қонунларнинг сўзсиз амал қилишига ишончсизлик, айниқса бунга масъул бўлган мансабдор шахс ва идораларнинг ўз вазифасига лоқайдлик билан қараши жойлардаги ижроия ҳокимияти ва ҳуқуқни химоя қилиш идораларини аввал маънавий, сўнгра ҳуқуқий но-чор ҳолатга солиб қўяди. Ишончнинг кафолати - бу қонунларга қатъий риоя этишдир.

**Учинчидан,** қонунга қатъий риоя қилиш ва уни оғишмай ижро этиш. Чинакам демократик давлатда барча фуқаро, ким, қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонунга амал қилиши

шарт.

Буюк соҳибқирон, бо-бокалонимиз Амир Темур ҳам ўз тузуқларида тегишли тартиб ва қонунга амал этиш менинг тақдирим ва ютуқларимнинг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қилди, деб ёзган эди.

**Тўртинчидан,** қонунларни такомиллаштириб бориш, қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак. Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш қучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериши зарур.

Бунинг учун қонунлар пишиқ-пuxта бўлиши, яъни масалани ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар билан чеклаб қўйилганда сансалорликни имкони борича камайтириш керак.

Қонуннинг мукамаллигини таъминлаш мақсадида:

- уларнинг лойиҳаларини тасдиқлашга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади;
- уларнинг муҳокамасига билимдон экспертлар жалб қилинади;
- уларнинг лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида, сўнгра Олий Мажлис ноиблари ўртасида кенг муҳокама қилинади.

**Бешинчидан,** қонунни бузувчиларга бевосита жамоат таъсирини кўрсатиш ва ўз вақтида уларни юридик жавобгарликка тортиш, яъни:

- интизомий;
- моддий;
- жиноий-маъмурий;
- фуқаровий-ҳуқуқий

жавобгарликка тортиш. Интизомий жавобгарликка интизомий ноҳўя ҳаракат, моддий жавобгарликка моддий зиён етказиш, маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий жавобгарликка жиноят, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкий муносабатларга ёки шахсий номулкий муносабатларга таъовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар асос бўлади.

**Олтинчидан,** ҳуқуқий маданиятни ошириш.

**Еттинчидан,** ҳуқуқий таълимни йўлга қўйиш.

Ана шу жиҳатлар таъминлангандагина қонун устуворлиги ҳам таъминланади.

Ё.АБДУЛЛАЕВ



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:  
 700029, Тошкент шаҳри,  
 Мустақиллик майдони,  
 2-уй, 402-хона,  
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

**ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР**

Янги ўқув йилидан бошланган 5-7 - синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" шлова газетаси ва конкурсе лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашовой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сониди конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон

қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжислда юборишингиз ҳам мумкин.

Танловда қатнашаётган ўқувчилар газетамизнинг сентябрдан апрелгача бўлган сонларида берилаётган ҳамма топшириқларга жавоб йўллаши зарур. Акс ҳолда, тўплайдиган умумий балли оз бўлиб қолиши мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳамийлар томонидан қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;
- фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер



Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

**5 - ДАРС**

**5. РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАНЛИГИ**

Инсониятнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган барча нарсаларни **ресурслар** деб атаймиз.

Ресурслар одатда табиий ресурслар, капитал ресурслар ва меҳнат ресурсларига бўлинади.



**Табиий ресурсларга** ҳаво, сув, қуёшдан келаётган иссиқлик ва ёруғлик, тупроқ, ер ости ва ер усти бойликлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, хуллас одамлар эҳтиёжи учун асқотадиган табиатнинг барча инъомлари киради.

**Капитал ресурслар** деб, бошқа маҳсулот турларини яратишда иштирок этадиган маҳсулотларга айтилади.

Уларга бино ва иншоотлар, асбоб-ускуна ва машина-механизмлар, турли турман буюмлар ва жиҳозлар, хом-ашёлар, маънавий бойликлар ва бошқа сон-саноксиз турдаги маҳсулотлар киради.

**Меҳнат ресурслари** деганда, меҳнат қилишга лаёқатли кишилар, уларнинг билими, иш тажрибаси ва меҳнат маҳорати билан биргаликда тушунилади.


Сизнинг билим олишга бўлган эҳтиёжингизни қондириш жараёнида истеъмол қилинаётган, фойдаланилаётган ресурсларни аниқлайлик. Бу жараёнда табиий ресурслардан: ҳаво, қисман бўлсада қуёшдан келаётган иссиқлик ва ёруғлик истеъмол қилинаёти. Ўқитувчингиз, ўзининг билими, маҳорати ва иш тажрибаси билан бу жараёнда қатнашаёти. Қолаверса ўзингиз ҳам, хотирангиз, диққатингиз ва билим савиянгиз билан меҳнат ресурслари сифатида бу жараёнда қатнашаёти. Шунингдек, ўқув жараёнида мактаб биноси, парта, стол, стул, доска, кўргазмалар қуроолар, китоб, дафтар, ўқув қуроолари ва ҳоказолар каби капитал ресурслардан фойдаланилаёти.

Эҳтиёжларни қондириш жараёнида ресурсларнинг ишлатилишини ёки улардан фойдаланишини, кейинчалик ҳамма ҳолларда ҳам битта ном - ресурсларнинг истеъмол қилинилиши билан атаймиз.

Маълумки, табиатда табиий ресурслар қанчалик кўп бўлмасин, бари-бир уларнинг миқдори чекланган. Одамлар сони ҳам чекланган, уларнинг жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган. Шу сабаб меҳнат ресурслари ҳам чекланган.

Қайси капитал ресурсларни - маҳсулотларни олмайлик, уларнинг ибтидоси, келиб чиқиши табиий ва меҳнат ресурсларга бориб тақалади. Чунки улар бориб-бориб қандайдир табиат неъматидан - табиий ресурслардан, инсоннинг меҳнати натижасида яратилган, ясалган бўлиб чиқади. Табиий ва меҳнат ресурсларининг чегараланганлигидан капитал ресурсларнинг ҳам чегараланганлиги келиб чиқади. Натижада, **"Табиатдаги жами ресурслар чегараланган!"**, деган хулосага келамиз.

Фикримизни қуйидаги мисолда тушунтирайлик. Қурилиш учун ишлатиладиган ёғоч-тахтани оладиган бўлсак, у ўрмонларда ўсаётган табиат инъоми - дарахтларни кесиб, ишлов бериш натижасида яратилган. Ер юзидаги ўрмонларда дарахтлар ҳар қанча кўп бўлишига қарамасдан, уларнинг миқдори чегараланган, исталганча кўп бўла олмайди. Иккинчи томондан меҳнат ресурслари - дарахтларга ишлов берувчи одамлар сони, уларнинг жисмоний имкониятлари ҳам чегараланган. Шу сабабли исталганча ҳажмда ёғоч-тахтанинг миқдори чегараланган. Худди шу хулосани бошқа ресурслар ҳақида ҳам айтиш мумкин.



**5 - ТОПШИРИҚ**

**5. РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАНЛИГИ**

1. Жадвалнинг биричи устунида келтирилган ресурсларнинг турларини аниқлаб, бўш каттаклар тўлдиринг.

Ресурслар номи	Турлари
Сув	
Асбоб-ускуналар	
Инсон билими	
Ҳайвонот дунёси	
Тупроқ	
Инсоннинг жисмоний кучи.	

2. **Нотўғриси**ни топинг.

- A) Ер юзидаги одамлар сони чекли.
- B) Меҳнат ресурслари чекланган.
- C) Океанлардаги балиқлар сони чекли.
- D) Ресурслар чекланмаган.
- E) Эҳтиёжлар чекланмаган.

3. Бугдўй етиштиришда қандай табиий, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади?

Табиий ресурслар: \_\_\_\_\_  
 Капитал ресурслар: \_\_\_\_\_  
 Меҳнат ресурслар: \_\_\_\_\_

4. Нима учун меҳнат ресурслари чекланган?

Жавобингизни асосланг.  
 Жавоб: \_\_\_\_\_

5. Қуйидаги жадвалнинг сатрларига мос ҳарфлардан бошланадиган, ресурслар номларини ёзинг.

Р
Е
С
У
Р
С
Л
А
Р


6. **Нотўғриси**ни топинг.

- A) Завод ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотлар миқдори чекланган.
- B) Полвон кўтариши мумкин бўлган юк оғирлиги чекланган.
- C) Ҳар қандай транспорт воситасининг тезлиги чекланган.
- D) Натурал сонлари чекли.
- E) Компьютер бир секундда бажариши мумкин бўлган амаллар сони чекланган.

7. Қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида сув истеъмол қилинади?

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

8. Расмда тасвирланган ресурсларнинг қайси ресурс турларига тегишли эканлигини аниқлаб ва рўйхат тузинг.



Табиий ресурс	Капитал ресурс	Меҳнат ресурс
1. _____	1. _____	1. _____
2. _____	2. _____	2. _____
3. _____	3. _____	3. _____

8. Қуйида берилган от ва сўз қўшимчаларидан фойдаланиб, бу параграфнинг асосий хулосаси бўлмиш - гапни тузинг.

ланган    табиат    лар    даги    ресурс    чегара    жами

Исм-шарифингиз \_\_\_\_\_  
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз \_\_\_\_\_

## БИР БОР ЭКАН, БИР ЎЎҚ ЭКАН.

Давоми. Боши утган сонларда.








## ПУЛ ДЕГАН БЎЛГАН ЭКАН...

Давоми келгуси сонда.

Ҳафтада бир марта бўладиган оқсоқоллар йиғинида кимдир пулни тошдан эмас, қоғоздан яшаш зарурлигини таклиф қилди.



- Бу тошлардан ҳамманинг чўнтаклари илма-тешик бўлиб кетмоқда.

Бу фикр қиролга ёқиб тушди, у Блауммига қоғоз пул яшашни топширди.



- Қоғоз "грин"ларни нима деб номласак экан?

Ҳамма ўзига ёққан сўзни таклиф қилиб қичқираве-ради.

- Дол!  
- Лар! Лар!




Қулоғи қоматга келган қирол расмодан сўради:

- Улар нимани таклиф қилишяпти?

- Улар "Доллар" дейишяпти. Ажойиб ном!



Енгил, қулай қоғоз долларлар тезда оммалашиб кетди. Ҳамма долларли бўлишни истарди. Натижада Мацуми оролидаги завод, фабрика ва дўконлар янада яхшироқ ишлай бошлади.




МАҲСУЛОТИНГ ҲАҚИДА БОЛАЛАРГА АЙТ,  
ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!

Nestlé Coffee-mate, Maggi, KitKat, Nuts, Lion, Nesquik, NIDO, Milkmaid, Nestlé Infant milk cereal, NESCAFÉ, Nestlé logo, and images of a child with a plane and a stadium.

TUFIN KOALA, Cherry Chocolate, Amaretto Chocolate, Strawberry & Raspberry Chocolate, and images of chocolate bars and a cup of coffee.

Дўконлар: Тошкент, Нукус кўчаси, 20-а уй.  
Тел: 56-65-92.  
Наманган, Дўстлик шоҳкўч.  
14-уй. "Барака-Р".



эса бутунлай қолдириши мумкин. Баъзан бадандаги аниқ нуқталарни 2-3 дақиқа уқалаш билан, баъзан 3-4 кун қайта-қайта уқаланилганда оғриқ бутунлай қоли-

**Р.Д.Цой**

## ТИШИНГИЗ ОҒРИСА... ҚЎЛ-ОЁҒИНГИЗНИ УҚАЛАНГ

Тиш оғриғини энг асосий сабабларидан бири тишнинг дарз кетиши ва кавак бўлишидир. Болалар тишлари қопламанинг дарз кетиши (кариес)га кўпинча тишда данак чақиш ва кўп қанд-конфет ейиш сабаб бўлади.

Баъзан иссиқ ёки совуқ нарса истеъмол қилинганда ҳам тишлар зирқираб оғрийди.

Ҳар қандай оғриқ ҳолатида ҳам тиш дўхтирига мурожат қилиш керак. Лекин оғриқ-душманга ўхшайди. У кўққисдан бошланади. Баъзан врач ёнига етиб боргунча ҳам "қўймайди". Шундай ҳолларда одам ўзини ўзи массаж қилиб (уқалаб) оғриқни вақтинча тўхтатиб қўйиши мумкин. Уқалаш оғриқни пасайтириши, гоҳо

ши мумкин. Тиш оғриғини тўхтатишда кўрсаткич бармоқнинг тирноқ яқинида жойлашган Шан ян деб аталган нуқтани бошқа қўлингиз бармоқлари билан 0,5-1 минут қисиб туринг, яхши самара беради (1-а ва 1-б расмлар).

Юқориги ва пастки жағ тишларидаги кучли оғриқни бартараф этиш учун эса 2-(А, Б, В, Г, Д) расмларида кўрсатилган Ся-гуань, Цзя-чэ, Да-ин, Си-бай ва Нэй-тин нуқталарни расмдагидек ҳолатда босиб туринг ва ярим дақиқадан сўнг бармоқингизни соат ўқи йўналишида (лекин жойидан жилдирмаган ҳолда!) уқаланг. 2-Г расмдагидек Си-бай нуқталари оғриқ тарқай бошлаганда уқаланилади.

Агар тишингиз совуқ сув



1а расм



1б расм


2а расм



2б расм



2в расм




2г расм




2д расм

ичганингизда оғриб қолса Тин-Хуэй нуқтасини (3-А расм, 12-нуқта), иссиқ чой ёки овқатдан оғриқ бошланса Нэй-тин (2-Д расм) нуқталарини босинг ва уқаланг.

Одатда бир кунда 1-3 марта уқалаш кифоя қилади. Бунда уқалаш оғриқни ўша нуқталар орқали тор-мозлаб қўяди.



3а расм





3б расм

### Кўли гулнинг пули мўл

## „ХЎТИК“ ҚАЛАМДОН ЯСАНГ



Бундай қаламдон паҳмоқ ёки мовут каби газламалардан тайёрланади. Хўтининг кулоқлари сатин ёки читдан қилинади. Унинг қисмлари нечадан тайёрланиши расмда кўрсатилган. Қисмлар тайёр бўлгач, уларни жой-жойига тикилади.



## ЙЎЛДА ЮРИШ ОДОБИ

Билгилки, йўл юришининг ҳам ўз қоидалари бор ва йўлда кетаётган одам бир неча қоидага риоя қилиши керак, токи кишилар унинг одоби эканлигини ва эҳтиромли кишилар хизматида бўлганини билсинлар. Кишининг борадиган жойлари, юрадиган йўллари кўп, аммо уч мавзеъ киши ҳаётда алоҳида ўрин тутди: бири - катта йўлда юриш, иккинчиси - бозор айланиш, учинчиси - маҳалла-гузарларда юриш.

Агар кўчада юриш одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт: аввал шуки, мақсадсиз, бехудага кўчада юрмаслик керак. Учунчидан, оёқяланг кўчага чиқиш одобдан эмас. Учунчидан, кеккайиб юриш ахлоқсизликдир. Тўртинчидан, зарурат бўлмаса, кўчада гапирмаслик маъкул. Бе-

шинчидан, жанжалкаш, фирибгар одамлар яшайдиган тўхмат жойларга бормаслик керак. Олтинчидан, нопок, нажосат жойларга қадам қўймаслик керак. Еттинчидан, шошиб юрилмасин, фақат жамоат намозига боришда тез юриш мумкин. Саккизинчидан, қадамни катта-катта қўймасдан, бир маромда юриш лозим.

Агар бозорга бориш қоидаи нечта, деб сўрасалар, еттита деб айт: биринчидан шуки, елка билан одамларни туртмаслик, иккинчидан, одамларнинг орқасидан қарамаслик, учунчидан, оғзининг сўлагини оқизмаслик, тўртинчидан, узокдан туриб бировни чақирмаслик, дод демаслик, бешинчидан, иши бўлмаган дўкон олдида турмаслик, олтинчидан, сотиб олмайдиган нарсанинг нархини сўрамаслик, ет-

### Хусайн Воиз КОШИФИЙ

тинчидан икки кишининг савдоси орасига суқулмаслик керак...

Маҳалла-кўйларда юриш одоби нечта, деб сўрасалар, ўн бешта деб айт. Биринчидан, ўнгу сўлга ҳадеб қарайвермаслик. Иккинчидан, томларнинг устига, айвонларга қарамаслик. Учунчидан, эшиги очиқ уйларнинг ичига қарамаслик. Тўртинчидан, бошқаларнинг йўлини тўсмаслик. Бешинчидан, одамлар боласига гап отмаслик ва уларни ўпмаслик. Олтинчидан, иши тушмаган жойга бормаслик. Еттинчидан, қўшиқ айтмаслик ва овоз чиқариб, оят, шеър ўқимаслик. Саккизинчидан, эҳтиёт билан юриш, токи бирор жониворни босиб олмасин. Тўққизинчидан, ёши ўздан катта одамнинг олдидан юрмаслик. Ўнинчидан, иши бўлмаса бировнинг уйи олдида турмаслик. Ўн биринчидан, тўхмат аҳли, яъни одамни беобрў қиладиган кишилар маҳалласига бормаслик.

## САЛОМ БЕРИШ ОДОБИ

Агар неча хил вазиятда салом бериш керак, деб сўрасалар, етти хил шароитда деб айтгил. Биринчидан, тариқа биродарини кўрганда салом бериш шарт. Иккинчидан, йўлда юрганда, одамларга салом бериш керак. Учунчидан, биродарининг эшигига етганда, салом бериш жоиз. Тўртинчидан, ўтиришлар, йиғинларга борганда, жамоага салом бериш лозим. Бешинчидан, агар бир ерда ўтирган бўлсанг ва ўрнингдан туриб кетадиган бўлсанг, қолганларга салом де - буни хайрлашув саломи дейдилар. Олтинчидан, қабристонга яқинлашганда салом бериш керак. Еттинчидан, ўз уйингга кирганда хонадон аҳлига салом беришинг керак.

Агар қандай шароитда салом бермаслик керак, деб сўрасалар, олти хил вазиятда, деб жавоб бергил. Аввал ҳаммомда ювинаётганда, иккинчи ҳожатхонада ўтирганда, учинчи, Куръон ўқиётганда, тўртинчи номаҳрам хотинларга, бешинчи, намоз ўқиб турган одамга...

Агар салом бериш одоби нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил: биринчидан, салом берувчи киши пок бўлиши керак, иккинчидан, суворий киши яёв одамга салом берсин, учинчи ёши кичик одам ёши улғуроққа салом берсин, тўртин-

чи, салом бераётган одамнинг чеҳраси очиқ ва хурсанд бўлсин, бешинчи, ишора ёки имо (боқни қимирлатиб, қўлни кўкракка қўйиб) эмас, балки овоз чиқариб: "Ас салому алайка" ёки "салому алайк" десин ва агар жамоат бўлса, "Ас салому алайкум" деб айтсин. Еттинчидан, икки киши бир-бирига яқинлашганда, қўл бериб кўришсин, бу одобга қиради.

Агар саломга жавоб бериш одоби қайси, деб сўрасалар, бунинг ҳам еттита шarti бор деб айт: биринчидан, саломга хурсанд бўлиб алек олсин. Иккинчидан, салом берганга раҳмат десин. Учунчидан, агар ислом миллатига мансуб бўлмаган одам салом берганда ҳам хурмат кўрсатиб, алек олсин. Тўртинчидан, саломга алек олувчи ҳам таҳоратли, пок бўлсин. Бешинчидан, кўп одамлар турган бўлса, ораларидан бир киши саломга жавоб қайтарса етарлидир. Олтинчидан, салом ишорат билан эмас, овоз чиқариб алек олиш зарур. Еттинчидан, саломга алек олганда, салом берган киши буни эшитиши лозим.

Агар саломнинг фазилати нимада, деб сўрасалар, айтгил: тақдим этиш ва зудлик билан жавоб қайтаришдир.

**Форс тилидан Нажмиддин КОМИЛС таржимаси.**




“Мева” сўзи ўсимликнинг гулдан ривожланадиган ва уруғи бор этли қисмидир. Сабзавотлар эса ўт ўсимликлардир. Ўт ўсимликнинг юмшоқ пояси ва майда ёки ёғочга хос бўлмаган хужайраси бўлади.

Ботаниклар ўсимликнинг таркибида уруғ бўлган қисмини мева деб атайдилар. Улар меваларни уч синфга бўлишади: апельсин, қовун, реза мевалар ва олма сингари уруғи бор этли мевалар: олча, олхўри, шафтоли каби данакли мевалар: ёнғоқ, ловия, нўхот ва дон-дун сингари қуруқ мевалар.

Агар ботаникларнинг (таркибида уруғи бўлгани учун) ловия ва нўхотни мева деб атаётгани сизни ажаблантираётган бўлса, бодринг ва қовоқчаларни ҳам мевалар қаторига қўйиши ҳайрат бармоғингизни тишлатиши ҳеч гап эмас. Бу биз илмнинг ушбу соҳасига қанчалик жиддий муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Шу билан биргаликда дунёнинг турли чек-

## МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ФАРҚ БОР?



каларида турфа хил анъаналар қарор топган: ўсимликнинг айна бир ейишли қисми бир жойда мева, бошқа бир жойда эса сабзавот деб аталади.

Ҳайвонлар сингари ўсимликларнинг ҳам оилаларга бўлинади. Сиз, масалан, карам, шолғом, редиска, сарсабил карами айнан бир оилага мансуб эканини биласизми?

Салат, сачратки ва артишок сабзавотларининг бошқа бир оиласига тааллуқли. Қовоқдошлар оиласига бодринг, қовун ва қовоқлар киради. Дуккакдилар оиласига нўхот, дуккакдиларнинг барча турлари, ерөнғоқ ва соя ловияси киради. Сарсабил оддий пиёз, саримсоқ, кўк пиёз билан қариндошдир. Картошка, бақлажон, қалампир ва тамаки итузумгулдилар оиласига мансубдир.

Мева ва сабзавотлар бизни дармондори ва минераллар билан таъмин этиши ва саломатлигимизни мустаҳкамлаш билан бир-бирига ўхшашдир.

## КАПАЛАКГУЛ ГУЛМИ ЁКИ ДОРУ?

Ҳар қандай боғча ёки майсазорга кўрк берадиган капалакгулни ким билмайди дейсиз! Шунга қарамай унинг яна бир оти бор: фаранги бинафша! Бу кўп йиллик, кичкина ўсимликнинг бўйи 10-40 сантиметр бўлиб, паҳмоқ ғоят гўзал бинафша, сарик, оқ тусдаги гултожбарглари мавжуд. Капалакгул апрелдан то кеч кузга қадар гуллайди ва бизга ўз латофати билан завқ бағишлайди.

Бу нозик, ипаксимон гултожбаргларида жуда кўп доривор моддалар борлигини биласизми? Олимлар капалакгулда А ва С витаминлари, гликозид, эфир ёғи, танин мавжудлигини аниқлашган. Айтганча, булар яқин орада аниқланган бўлса-да, тиббиётда фаранги бинафша юзлаб йиллардан буён ишлатилади. Унинг поясида таёрланган дорилар шамоллашга қарши жуда катта самара беради, кўпгина, масалан, тери касалликларига шифобахш. Агар терига тошма, сачратки тошган бўлса, катталарга ҳам, болаларга ҳам гултожбарглари қайнатмаси аралаштирилган ванна қабул қилиш тавсия этилади. Уй косметикасида капалакгулдан дамлама, компрес ва маска ҳолида фойдаланилади. Алқисса, гулзор яратишга киришсангиз, гўзал фаранги бинафша экишни унутманг, бу гулзорингизга бетакрор тароват, лозим бўлганда дори сифатида ёрдам беради.

## ҚУШЛАРНИНГ ҚУЛОҒИ БОРМИ?



кичик нарсаларни, зарраларни жуда узоқдан кўра олади.

Қушлар учун яхши эшитиш қобилияти зарур ва улар бунга эгадир. Қушларнинг қулоғи бор. Эшитиш аъзолари, ҳаракат пайти кенгликда йўналишини белгилаш ва мувозанатини сақлаш қобилияти - уларнинг ҳаммаси қулоғи билан узвий боғлиқдир.

Кўп қушларнинг тумшуғи қаттиқ, тошқотган, уларнинг аксарияти таъмини яхши идрок этади. Аммо қушларда ҳид билиш сезгиси мутлақо йўқ.

Парвоз жуда катта куч талаб этади. Шунинг учун ҳам уларда моддалар алмашинуви уларда тез кечади. Қушларнинг ҳарорати жуда юқори: Цельсий бўйича 40 ва 45 градус ораллиғида бўлади. Томир уриши ва нафас олиши тез. Мисол учун, чумқунинг юраги ҳар дақиқада 500 марта уради.

Қушлар учувчи жониворлар экан, уларнинг деярли барча аъзолари: ички ва ташқи аъзолари, шунингдек асаб ва сезги системалари мана шу мураккаб фаолият учун хизмат қиладилар.

Масалан, ўткир нигоҳ учар жониворлар учун ҳаётини муҳимдир. Бу қушларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири. Қушларнинг кўзи бошқа умуртқали ҳайвонларнинг кўзига нисбатан пропорционал жиҳатдан анча каттадир. Айрим қушлар турли тасвирларни ҳар бир кўзи билан кўриши мумкин. Баъзи қушлар эса жуда

## ДАРАХТЛАР ҚАНДАЙ ЎСАДИ?

Дарахт учта асосий қисмдан таркиб топади. Илдизлари уни ерда тутиб туради, сув ва минерал тузларни тупроқдан сўриб олишга ёрдам беради. Танаси ва шохлари япроқларга шарбат элтади ва уларни қуёшга кўтаради. Япроқлар бутун ўсимлик учун озуқа моддаларини ишлаб чиқарадиган “фабрика”дир.

Дарахт учтадаги новдалари ва шохлари чўзилиши ҳисобига ўсиб ва йўғонлашиб боради. Шохларнинг учта доимий равишда янги хужайралар пайдо бўлиб туради. Шу вақтнинг ўзида дарахтнинг танаси, шохлари ва шохчалари қалинлашиб бораверади.


Аксарият дарахтларнинг пўстлоғи билан қаттиқ ёғоч қисми ўртасида шарбат оқиб ўтадиган махсус қатлам бор. Бу қатламда хужайралар тезроқ ўсади, шунинг ҳисобига тана йўғонлашиб бораверади. Бу қатлам ҳар йили дарахт танасига янги бир ҳалқа қўшади. Дарахт-

нинг кесилган жойидаги бу ҳалқаларни санаш йўли билан ҳам ўсимликнинг ёшини билиб олиш мумкин. Япроқларга сув ва минерал тузлар шу қатлам орқали ўтади. Пўстлоқда япроқлардан келаётган озуқа моддалар бутун дарахтга тарқайдиган йўллари бор.

Дарахт ўсиши билан эски ҳалқалар кўпполашиб, япроқлар билан алоқани йўқотади. Улар сув сақланадиган жойга айланиб қолади ва ниҳоят қаттиқ ёғочга дўнади.

Сув ва минерал тузлар тана бўйлаб кўтарилиши билан унинг ўзи ҳам йўғонлашиб боради, япроқлар эса бутун ўсимлик учун озуқа ишлаб чиқара бошлайди. Япроқлардаги яшил модда (хлорофилл) қуёш нури таъсирида карбонат ангидрид газини илдизлардан келаётган сув ва унинг таркибидаги минерал тузлар билан бирга шимиб олади ҳамда қанд ва крахмал ҳосил қиладилар.

## КУРТАК БАҲОРДА ЭМАС, КУЗДА ПАЙДО БЎЛИШINI БИЛАСИЗМИ?



Баҳор ойларида дарахтлар япроқ ёзади ва гуллайди. Аммо япроқлар ёзилишидан олдин ўтган йил кузиде тугилган куртак ҳолида бўлади.

Аксарият ўсимликлар кузда япроқларини тўқади. Кўклам чоғи эса ям-яшил япроқлар билан қопланади ва гуллайди. Бу азал-азалдан одамларнинг эътиборини тортиб келган. Аммо куртакларнинг ҳосил бўлиш жараёни ҳам қизиқарлидир. Куртаклар поянинг тепасида ёки япроқларнинг қўлтиғида пайдо бўлади. У ердаги новданинг муртаги куртак қобиғи билан яхшилаб ўралади ва кунлар исигунга қадар шу тахлит сақланиб қолади. Қизиги шундаки, инсон сарсабил ва карам сингари айрим ўсимликларнинг куртагини истеъмол қиладилар.


## ПИЁЗБОШ

Бир талай ўсимликлар (лолалар, гулсафсарлар ва бошқа тур пиёзлар) пиёзбошдан ўсадилар. Пиёзбош деганда ер остидаги калта пойли таг шох тушинилади. Ундан қиш совуқларидан сўнг ўсимликнинг яхши ўсиши учун зарур бўлган озиқ моддаларни қишга тўплашда фойдаланилади.

Ўсимлик гуллаб бўлиши билан у пиёзбошда озиқ моддаларни йиға бошлайди. Улар баъзан жуда катта бўлиб кетади.

Совуқ тушиши билан ҳамон ўсимликнинг танаси қуриб, қовжираб узилиб тушади. Пиёзбош эса қиш бўйи ер тағида бўлади, ер пиёзбошини совуқ уришдан бошлайди. Баҳорда, эрувгарчилик тугаб, ерлар қизиган пайти пиёзбошда йиғилган озиқ моддалар янги ўсимликка ҳаёт бахш эта бошлайди.

Дастлаб пиёзбошдан ниш униб чиқади, у ерни ёриб тепага, қуёшга интилади. Ер устида у поя ва барг ёяди.






**ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ**

**76-77-СОНДА БЕРИЛГАН ЎЙИНЛАР ЖАВОБИ:**



“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА  
МАҚТУБЛАРИНГИЗНИ  
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони,  
2-уй, 402-хона  
(Музаффар ГИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон:  
(371) 139-49-32, 139-19-16.  
Факс: (371) 139-48-23.  
Пейджер: (088) 30-13



А-З, Б-И, Ж-К.




“Мен ёввойи  
хайвонлар  
чангалзорда  
кўпчилигини  
яхши  
биламан!” -  
дейди Микки.  
Уларни  
кўришни  
сиз ҳам  
хоҳлайсизми?  
Ундай бўлса  
ҳаво шарига  
синчиклаб  
қаранг.  
Шарда  
учта хайвон  
расми  
чизилган.  
Топинг-чи.



Ҳикоямизнинг  
беш қаҳрамони  
қадимги турмуш  
тарзи ҳикоя  
қилинган эртақлар  
юзасидан бўлган  
хайрия томошасида  
қатнашди.  
Уларга қуйидаги  
расмлар ёрдамида  
декорация  
(манзара тасвири)  
ҳосил қилишда  
ёрдам беринг.  
Қайси тасвирлар  
юқоридagi сурат  
парчаларига, қайси  
бирлари  
пастдагиларига  
тегишли?



Уста  
янги  
бир  
қурилма  
яратмоқда.  
Қайси  
диралардаги  
ҳолатлар  
қисмларини  
ифодалаган?



Тоғ устида  
бўлган саёҳат  
Минни кўзига  
даҳшатли  
бўлиб туюлди.  
Улар капалак  
қувиб юриб  
адашиб қолишди.  
Энди улар  
Микки ёнига  
қайтиб бориши  
учун хатарли  
лабиринт орқали  
ўтишлари шарт.  
Уларга ёрдам  
беринг.

Бор эканда, йуқ экан шаҳримизнинг кун чиқар томонидаги маҳаллалардан бирида утган замонда Комилжон ва Салимжон исмли йигитлар яшар экан. Комилжоннинг дадаси махсидуз косиб булиб, ҳар қандай маҳсиларни, ҳатто буюртма булиб қолса, эркаларнинг катта, ичи жунли иссиқ маҳсиларини ҳам тикиб берар экан. Оиласи узига туқ, лекин ортиқча дабдабасиз яшар экан.

Салимжоннинг дадаси эса бой-бадавлат булиб, уй жойлари ички—ташқарили хашаматли экан. Дадаси

сармойасини кимларгадир ижарага бериб, улардан келадиган фойда ҳисобига оиласи тараллабедод кун кечирар экан. Салимжон уйинқароқ экан.

Комилжон эса болалигида, купинча, дадасининг ҳикояларини эшитиб, ўстаҳонасида унинг ишини кузатиб утиришни яхши кўрар экан.

— Уғлим, оллоҳ— ҳамма жонзотлардан биз-бандаларини улуг қилиб яратдиким, бизга ақл-неъматини ҳам берган. Оллоҳ бизга

берадиган ризқини ишлаб, топиб ейишимиз керак, — деб таъкидларкан. — Сен ҳам катта булиб, оила бошлиғи, бола-чақали буласан. Шунда ўрганган ҳунаринг асқотоди. Бировга муҳтож бўлмайсан. «Хунар-хунардан унар» деб, бежиз айтмаганлар машоихлар.

Комилжон дадасидан олдинга ип-пишитишни, мумлашни, кейинчалик сузанга ип-утказишни ўрганибди. Энди у қулоч-қулоч ипларнинг учини чиқариб, мумлаб, уни

уста булиб қолди. Ҳатто буюртма катта маҳсиларни ҳам тикадиган бўлди.

Катта бўлганларида ҳам Комилжон билан Салимжоннинг қалин уртоқлиги йуқолмади. Салимжон башанг кийиниб юрар, уртоғини тез-тез улфатчиликка олиб кетар эди. Дадаси углининг улфатчилигига эътироз билдирмасди, лекин ҳар сафар таъкидлашни унутмасди:

— Йигит кишининг ёнида доим пул булиши лозим. Уни фақат туғри йулга сарфлаш

## Оталар ўғити

сал бошқачароқ ташлаши билан ундан узоқроқ юришга ҳаракат қиларди.

Салимжоннинг суяғи меҳнатда қотмаганлигидан, узига зеб бериб, оғирнинг устидан, енгилнинг оғидан юришни ёқтиради. Ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди, деган мақол туғри экан. Отасидан кейин турмуши оғирлашди. Қилай деса, қулида хунари йуқ. Қарзга пул олиб, фойдасини оймаой олиб келиб берадиганлар келмай қолишди. Олдинга Салимжон ижарага бериб турадиган сармойасини рўзгорга сарфлай бошлади. Сармойаларининг ҳам орқаси қуришиб қолди. Салимжоннинг мияси қотди. Отасидан ичқари — ташқарилидангиллама катта ҳайҳотдай ҳовли-жой қолган. Унинг бирон қисмини сотиш фикри миясига келиб қолди. «Тавба, уртоғи Комилжон ҳали ҳам ўша-ўша. Улфатчиликдан қолмайди. Турмушидан нолимайди», — уйларди у. Салимжон, сен ҳам уртоғининг ёнида утир. Косибчиликни ўрган», — деганида Комилжоннинг дадаси, уйинқароқлик қилиб, хунар ўрганишга буйни ёр бермаганди. Минг афсус, энди бефойда.

Эркин ЭРГАШЕВ.  
Нафақахўр

## УЙИНИ СОТИБ ЕГАН БОЛА



ортиқча сузанга утказиб, тайёрлаб қўяркан. Бу билан дадасининг иши анча енгиллашибди. Махситкаётганда сузандаги ипи тугаса, угли ип утказиб тайёрлаб қўйган бошқа сузанни олиб, ишини давом этказаркан.

Комилжон ипларни анча пишиқ пиштадиган, сузанга ипни пухта утказадиган бўлгандан кейин дадаси унга бигиз, тахтакач ва тизгин олиб берди. Дадаси олдинга маҳсиларнинг туғри чокларини тикишни ишониб бера бошлади. Кейин маҳсиларга қолип уришни ва шонга солишни ўргатди. Шундай қилиб Комилжон ун беш — ун олти ёшларида тузуккина

керак. Зинҳор-базинҳор харомдан қочиш зарур, — деб Комилжоннинг узи тиккан маҳсилардан тушган пуллардан углининг киссасига солиб қўярди.

Дунё бамисоли чархпалак, айланиб туради. Яхши кунлар заҳматли кунлар билан алмашар экан. Иккала уртоқнинг ҳаётида ҳам аянчли кунлар бўлди. Олдинмакетин уларнинг ота-оналари оламдан утишди. Энди суянадиган тоғлари қолмади. Комилжон ҳар куни баҳоли қудрат дадасининг касбини давом эттирарди. Дадасининг уғитлари қулоғида. Меҳнат билан топган пулларини мудом ҳалол ишларга сарфларди. Салимжон оёғини

Кўпроқ бир онадан туғилган икки қиз орасида ҳам бир неча ажаб айирмалар бўлуви эшитилмакдир. Булардан бири тонгдан аввал юз-қулини ювиб, кийиниб-безанган, булмасини супуриб, чангларини артган, ҳар нарсани ўз урнига қўйган.

Ал-ҳосил, бир ёш қизнинг кузи тушиб, урناق оларлик бўлгани, кичик-кичик турли ишларни қилиб булмасида утиргани, яна тоза тутилган қулларининг қизил тусли тирноқлари-да, янги дазмолланган, қор сингари оқ кундузги қўйлақлари-да, кийган пайпоқлари ила тозалигидан ял-

тиллаб турган оёқ кийимларида доим хуш ислар таратиб турган чечак каби, ҳар турли ранглари ила қўрган қўзларни ҳайрон қила турган капалакдек чексиз ёқимлидир.

Иккинчи қиз эса ҳамон ка-

вақтда сочлари таралмаган,

### Оина

кундузги кийими кийилмаган кўйида, паришон қиёфада дастурхон ёнига келиб

кирдан сарғайиб кетган бир рўмол боғлаб, қўйлагининг йиртиғини беркитиш учун ҳам елкасига бирор нарса ташлаб оладир. Мана шундай кулгили ва одатга хилоф бир кийинув ила стол атрофидагиларга ўз гавдасини курсатадир.

Бу икки ёш қиз орасидаги фарқ ёлғиз кийиниш, равишу одатлардагина эмасдир. Шубҳасиз, хулқу табиатларида ва буларга тааллуқли ҳолларда ҳам бордир...

• Алий НАЗИМОНинг «Қизлар тарбияси» китобидан олинди.



## ТАРТИБ ИЛА ИШЛАШ ҲАМ ТАРТИБСИЗ ИШЛАШ

роватидан туришга эриниб, бир тартибсиз холда ётадир. Бошни оғир, қўзларини шиш қилиб, ялқовлик туғдирувчи ўзоқ бир уйқусидан сунг, уботил (беҳуда, асоссиз) фикрлар, фойдасиз хаёлларга толур. Туриш учун қимирлаб эснар, керишар, сузилар.

Ал-ҳосил, бир зур роҳатсизлик сезар, туришга эриниб, бир қанча вақт чузилиб ётар. Юз-қулини ювиш оғирлик қилар. Эриниб, нозланиб пайпоқларини кияр, яхшилаб киймаганидан кўнжлари тупиқларига тушади. Ярми сўкилган ботинкаларини киядир, боғлашга эринганидан боғичлари ерга судраладир. Охири устига бир кийим киядир, унинг ҳам енгилари гавдасидан айрилиб тушишга ётган буладир. Уй халқи нонуштага йиғилган



утирадир. Ота-онасига ва дастурхон атрофида ҳозир бўлган қариндошларига сочларининг чувалганини курсатмаслик учун тезда у ер-бу ерда ётганидан гижимланиб,



## ҚИЗЛАРГА

Қулоғингга гапим бор,

Бери келгин қизгина.

Керагин ол, бошқасин

Унута қол тезгина.

Одоб билан сўзласанг

Обрўйинг ошар ҳар он.

Озода бўл, эринма,

Зийрак боққин ҳар томон.

Узун-қисқа кийимни

Кияверма, қизгина.

Ярашганини кийса ким

Соз бўлади, билгин-а.

Майда қилиб ўрилган

сочлар бугун армондир.

Кумушдек гўзалларни

Қўмсайдиган замондир.

Онажонинг ўғитин

Унутмагин сира ҳам.

Она дуосин олгин

Дунёда бўлмайсан кам.

Қулоғингга гапим бор

Бери келгин қизгина.

Керагин ол, бошқасин

Унутақол тезгина.

Муаттар АЛИМБЕКОВА,

Тошкентдаги 214-мактаб

ўқитувчиси.

# ҚИРҚ ХУНАРНИНГ БИРИ

Андижон вилояти, Избоскан туман, Турткул кишлоғидаги рассомчиликка ихтисослашган 8-мактаб-интернатни нафақат Андижонда, балки бутун Республикада яхши билишади. Чунки, бу мактаб бутун фаолияти давомида республикамизнинг барча вилоятларидан ўқувчилар қабул қилиб тайёр мутахассислар тайёрлаб берадиган билим масканидир. Яқинда бу мактабнинг мақоми янада ошди. Яъни мактаб-интернат Узбекистон Бадий Академиясининг Андижон тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатига айлантирилди. Ҳозирда ушбу лицейда кўплаб ўқувчилар таҳсил олмоқдалар. Биз лицей директори Жакбаров билан суҳбатлашганимизда, улардан қуйидагиларни эшитдик:

— Лицей-интернатимиз 1959 йилда умумтаълим мактаб интернати сифатида иш бошлаб, 1973 йили Халқ Таълими Вазирлиги томонидан Вилоят Халқ таълими бошқармаси қошидаги 8-рассомлик мактаб-интернатига айлантирилди. Лицей-интернатимиз 320 уринли бўлиб, ҳозирда вилоятлардан келган 315 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Лицейда рассомчиликнинг, ҳайкалтарошликнинг ганчкорлик, наққошлик, ёғоч уймакорлиги, бадий безакчилик, ранг-тасвир каби булимлари

мавжуд. Бунда ўқувчилар хоҳлаган йўналишлари буйича сабоқ олишлари мумкин.

— Лицейнинг ўқитиш тизими, ўқувчиларнинг билим савияси бўйича бошқа мактаблардан фарқи нимада?

— Лицейнинг ўқитиш системаси буйича бошқа мактаблардан фарқи шундаки, бу ерда мутахассис фанларга кўпроқ соатлар берилган. Айрим фанлар эса, юқори синфларга чиқарилган. Аввал битирувчи ўқувчиларга аттестат берилар эди. Энди бу аттестатлар билан бирга рассомчилик гувоҳномасини ҳам беришни кўзда тутаямиз. Бу эса ўқувчиларнинг имкониятларини янада оширади.

— Ўқувчиларнинг билим даражалари ҳақида...

— Ўқувчиларнинг билим даражалари-га келсақ, бошқа мактаб ўқувчиларининг билимларидан анча кучлироқ десам янглишмаган буламан. Лицей ўз номи билан лицей. Бу ернинг узига хос тартиби, қоидаси бор. Юқорида айтиб утганимдек, 20 уринли ётоқхона. Ўқувчиларнинг 4 маҳал овқатланишлари учун 160 уринли ошхонамиз мавжуд. Бундан

ташқари, 13 та фан кабинети, 18 уқув устахонаси, 140065 та китоб фондига эга булган кутубхона ва ўқув зали, 13 та дам олиш хонаси, яхшигина жиҳозланган кино зали, 3 та лаборатория хонаси, теннис зали ва стадионимиз ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Яна керакли жиҳозлар билан таъминланган тиббий хизмат курсатиш хонаси ҳам бор. Утган йилги ўқув йилида лицейимизда 3-бор Республика олимпиадаси, 2-бор «мактаб ва оила» мавзуси буйича Республика семинари бўлиб утди. Шу кунларда Республика олимпиадасида чизмачилик фанидан голиб булган Жураев Шухрат, Сатторов Рустам, халқаро олимпиада голиби Музаффар Жураевлар олийгоҳларда таҳсил олмоқда. Олийгоҳга кириб ўқиётган ўқувчилар орасида бизнинг ўқувчиларимизнинг билими кенгроқ деб уйлайман. Битирувчиларимиз асосан, Тошкент театр ва рассомчилик, санъат олийгоҳларида, педагогика олийгоҳларида таҳсил олмоқдалар. Умуман улар бир сўз билан айтилганда бу ердан бебаҳо ҳунар эгаси бўлиб чиқадилар.

— Шундай катта, ўз навбатида улғ касб ва зиё масканининг ўзига яраша

## Менинг мактабим

муаммолари ҳам бордир?

— Албатта, муаммосиз жой борми? Айтиб утганимдай, мактаб интернати-миз Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил, 11-март, 131-сонли қарори билан лицей интернатга айлантирилди. Ҳозирда бу ерда 64 нафар тарбиячи ва ўқитувчилар хизмат қилади. Уларнинг 8 фоизи олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардир. Мутахассислик фанлари буйича 32 нафар ўқитувчи хизмат қилади. Лицей булгандан сунг, унинг узига хос талаби булади. Ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, лицейга керакли қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар олиш хусусида иш олиб бормоқдамиз.

**Мана азиз ўқувчилар!** Биз ушбу лицей директори билан суҳбатимиз орқали унинг ўқитиш тизими ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб олдик. Уйлаймиз-ки, ушбу суҳбат ораларингизда рассомчиликка қизиққан ўқувчиларга туртки бўлади. Агар моҳир рассом, наққош, ҳайкалтарош... умуман, 40 хунардан бирини эгалламоқчи бўлсангиз, ушбу лицейга ташриф буюринг.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ



# «Ойнаи Жаҳон» — болаларга



### СЕШАНБА, 6 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 9.10 «Узбектеелефильм» намойиш этади. «Тошлар тилга кирганда».
  - 10.05 Янги алифбони урганамиз.
  - 10.35 «Созга солдим Алпомиш-ни».
  - 12.25 Кундузги сеанс. «Бошқача ҳаёт».
  - 18.10 Болалар учун «Санъат гунчалари».
  - 18.30 «Милоддан илгари Ерқурғон қалъаси». 2-қисм.
  - 20.10 «Оқшом эртаклари».
- Ўз. ТВ. 2
- Ешлар канали
  - 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Кувноқ учрашув» мультфильм.
- Ўз. ТВ. 3
- 18.05 Болалар учун «Энди эртак бошланади».
  - 20.00 Туризм ҳақида.
- Ўз. ТВ. 4
- Халқаро канал.
  - 16.50 «Мультсайера».
  - 18.45 «Менинг кучам».

### ЧОРШАНБА, 7 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 8.50 «Бармоқлар сеҳри».
  - 9.05 «Олимпиадачилар орамизда».
  - 10.30 Алифбо сабоқлари.
  - 11.00 «Акс садо».
  - 11.30 «Шоирлар — болаларга!».
  - 18.10 «Умид учқунлари».
  - 20.05 «Оқшом эртаклари».
- Ўз. ТВ. 2
- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Жажжи лавра».
  - «Мульттомоша».
- Ўз. ТВ. 3

- 18.05 «Мультфильмлар туплами».
- Ўз. ТВ. 4
- 16.50 Мультсайера.

### ПАЙШАНБА, 8 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 9.25 «Узбектеелефильм» намойиш этади. «Ҳисор қуриқхонаси».
  - 10.50 «Оламни асранг».
  - 12.20 Кундузги сеанс. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадий фильм.
  - 18.10 «Алпомишлар ҳамиша голиб». Болалар учун.
  - 20.10 «Оқшом эртаклари».
  - 20.00 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдиан М. Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм 1-қисм.
- Ўз. ТВ. 2
- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Уйна болажон, уйна!».
  - «Мульттомоша».
  - 18.45 «Табобат оламида».
  - 20.55 «Одобнома».

### Ўз. ТВ. 3

- 18.05 «Ерилтош» мульттуплам.
- 20.00 «Билиб қўйган яхши».

### Ўз. ТВ. 4

- 16.50 «Мультсайера».
- 18.45 «Бинафша».

### ЖУМА, 9 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 8.50 «Узбектеелефильм» намойиш этади. «Узбекистоним гуллаган боғ».
  - 9.15 «Сарғайган саҳифалар». Адабий курсатув.
  - 9.35 «Қизиқарли учрашувлар».
  - 10.30 Немис тили.

- 11.00 «Беодоб» мультфильм.
- 11.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
- 18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
- 20.10 «Оқшом эртаклари».
- 22.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдиан. М. Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 2-қисм.

### Ўз. ТВ. 2


- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Умид чечаклари».
- Мульттомоша.

### Ўз. ТВ. 3

- 8.00 Болалар учун. «Эя ва унинг дустлари хузурида».
  - 8.25 Туризм ҳақида.
  - 8.55 «Очиқ дарс».
  - 9.15 Саргузапт фильмлар экрани.
  - 18.05 «Ерилтош» мульттуплам.
- Ўз. ТВ. 4
- 16.50 Мультсайера.
  - 18.55 «Муъжизалар майдони».

### ШАНБА, 10 октябрь

- Ўз. ТВ.
- 9.05 «Зиёрат».
  - 9.45 «Шоҳрух клуби».
  - 11.00 «Умид» намойиш этади.



- «Очиқ дарс».
- «Уйла, изла, топ!».
- 13.30 Кундузги сеанс. «Кузги

- марофон» бадий фильм.
- 18.00 Болалар учун «Фламинго».
- 19.55 «Оқшом эртаклари».

### Ўз. ТВ. 2

- 9.00 «Янги авлод намойиш этади».
- «Бугуннинг боласи».
- «Кувноқ учрашув».
- 13.20 «Цирк. цирк, цирк!»
- 14.05 Жаҳон жүрофияси.
- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «У ким? Бу нима?».
- «Мульттомоша».

### Ўз. ТВ. 3

- 8.00 Мультфильмлар туплами.
- 8.40 «Билиб қўйган яхши».
- 12.05 Болалар экрани.
- 13.45 «Ёввойи табиат».
- 18.05 «Тойбола» фильм концерт.

### Ўз. ТВ. 4

- 9.05 2x2=4.
- 9.45 «Кино сайераси».
- 19.15 Биргаликда қуйлаймиз.

### ЯКШАНБА 11 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 8.30 «Камалак» болалар учун кинодастур.
  - 9.30 «Умид» намойиш этади. «Ватанимга хизмат қиламан».
  - «Орзулар қанотида».
  - 13.25. «Кувноқ стартлар» телемусобақа.
  - 14.10. Кундузги сеанс. «Кечира олсанг, кечир мени». Бадий фильм.
  - 15.20 «Нурли келажак».
  - 18.00 «Бизнинг азиз болалар».

### Ўз. ТВ. 2

- 9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Ким эпчил-у, ким чаққон?».
- «Уйна болажон, уйна».
- «Боланинг тили».

- 18.05 «Келинг танишайлик».
- Ўз.ТВ. 2

- 8.00 Мультфильмлар туплами.
- 8.35 «Кузгу»
- 9.40 «Менинг Тошкентим».
- 18.10 «Мультжумбоқ».

### Ўз. ТВ. 4

- 10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
- 12.20 «Табиат билан танишув».
- 19.10 «Бу ажиб дунё».

### ДУШАНБА, 12 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 20.10 «Оқшом эртаклари».
- Ўз. ТВ. 2
- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Мульттомоша».
- Ўз. ТВ. 3
- 18.05 Болалар учун. «Эя ва унинг дустлари хузурида».

### Ўз. ТВ. 4

- 16.50 Мультсайера.
- 18.45 «Кузмунчоқ».

### СЕШАНБА, 13 октябрь

- Ўз. ТВ. 1
- 10.05 Янги алифбони урганамиз.
  - 11.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
  - 20.10 «Оқшом эртаклари».

### Ўз. ТВ. 2

- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. Мульттомоша.
- Ўз. ТВ. 3

- 18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».

### Ўз. ТВ. 4

- 16.50 Мультсайера.

Олимжон БҮРИЕВ

## ЖАЛОЛИДДИН ЖАСОР АТИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довурак курашчи, миллий қахрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолiddин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ва унинг хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида «Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорни бутун ватандошларимиз зўр қониқиш ва завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Жумладан, қарор чиққан куннинг ўзидаёқ таниқли шоир ва таржимон, тарихий мавзуда улуғ аждодларимизга бағишлаб ёзилган «Амир Темури», «Замахшарийнома», «Мирзо Улуғбек», «Пири тариқат ва Мири ҳақиқат», «Муҳаммад Пайғамбар», «Имом ал-Бухорий» «Аҳмад ал-Фарғоний» китоблари муаллифи Олимжон Бўриев яқинда ёзиб тугаллаган жасоратли саркарда ва давлат арбоби Султон Жалолiddин Мангуберди тимсолини ўзида мужассам этган «Жалолiddин жасорати» номили дostonи ҳақида хабар берди. Қуйида шоирнинг мазкур янги дostonидан бир парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Қонди Чингиз тараф орқасин қашлаб,  
Тан олиб дедик: «Тенгсиз баҳодир,  
Тарих кўрмагандир бундоқ асотир».  
Бу пайт улуғ хоқон Чингизхон касал —  
Етар эди, тортди домига ажал,  
Юз ғаму ҳасратда ит азобида,  
Дастидан бузилиб минглаб обиди,  
Қатлаги етиб кўп гуноҳсиз одам,  
Охири хор бўлиб ўлди ўзи ҳам!  
На бини қурди у на эҳди дарахт,  
Бузиб, вайрон қилиб, ўлдириб бадбахт,  
Зулму жаҳолат-ла ўтди оламдан,  
Дунё хорлик кўрса ҳар бир одамдан,  
Аждодлар берса ҳам мақтаб эътибор,  
Тарихда хундордек қолади хунхор!  
Бир минги икки юз ўттизинчи йил,  
Жалолiddин юриш бошлади дадил,  
Таҳдиду таҳлика кўргузиб ёвга,  
Гилотни аёвсиз олди қуриовга!  
Тахминан баҳорнинг кўкариш ойи,  
Бу кўҳна оламнинг яшнаб чиройи,  
Дилларда уйғонган чоғи муҳаббат,  
Хонсултондан етди Жалолга бир хат!  
Яъни синглисим, қолган ҳаётин,  
Ўтказарди бўлиб Жўчиға хотин.  
Ҳаттоки бўлганди ундан фарзандлиғ,  
Саройда саналиб хуш аржумандлиғ.  
Шундоқ ёзган эди фикрини пинҳон:  
«Бу хат маълумингиз бўлган оғажон,  
Синглингиз Хонсултон бекачдан эрур,  
Мақтуб юбормоғим шу важдан эрур!  
Кучу қудратингиз бўлиб зиёда,  
Бўлиб қўшунингиз отлик, пидо,  
Ҳарб ила мулкларни айлаб мусаххар,  
Доим жанг-жадалда чиқиб музаффар,  
Донғингиз таралиб оламга кетди,  
Бу хабар ҳаттоки Хоқонга етди!  
Сиз билан яқин дўст бўлмоқни истаб,  
Менга бу номани ёздирди қистаб.  
Аҳд қилди сарҳада бўлиб Жайхундан,  
Дарёнинг бу ёғи бўлади ундан,  
Қолгани сизники бўлса гар маъкул,  
Бу шартга розидир ўлганича ул!  
Агар мавҳ этишга етса кучингиз,  
Ундан иккиланмай олинг ўчингиз!  
Енгилга етмаса агар кўзингиз,  
Кифоя бир оғиз айтган сўзингиз.  
Тузсангиз қариндош каби аҳд-паймон,  
Ўзгалар етказа олмайди зиён!  
Сийёсатда доим бунақа «ўйин»,  
Билсангиз оширғай шоҳлар обрўйин!  
Дуоини саломлар ила оғажон,  
Сизларни соғинган бекач Хонсултон!»  
Жалолiddин ўқиб мактубни бир кўр,  
Чуқурроқ қилмади фикру тафаккур!  
Ҳар ҳолда бўлмаган кишига савооб,  
Биров мактубига ёзмаса жавооб!  
Ўзга хаёлларга ўрни этиб фарқ,  
Валекин у шундай қаради бефарқ!  
Буюклар ҳар доим кўтарганда қад,  
Ўсишга йўл бермас бухл ила ҳасад.  
Жалолiddин бўлагач ошиғи олчи,  
Гирдида бехисоб жангчи, ясолчи.

Кичик осийлик Султон Кайқубод,  
Жалолга қўшилиб сўнг бўлмади шод!  
Шунингдек Шом ила Мисру Дамашқ,  
Хукмдорлари ҳам унга қилиб раишқ,  
Орада уйғониб ҳам муҳолифат,  
Фитна тайёрлайди қилмасдан диққат,  
Жалол ўз кучига ишониб бисёр,  
Уларга бермайди жиддий эътибор!  
Йил бир минг икки юз ўттиз ёзида,  
Исёнга қарши жанг турку тозида,  
Жалолiddин бериб катта талафот,  
Озарбайжон томон чекинади бот.  
Қолганди бир кичик лашкар ила у  
Фурсатни бой бермай солишиб кутқу,  
Мўғуллар топганда бу ҳолдан хабар,  
Унга қарши тортиб келишиб лашкар,  
Ҳамда бош вазир чун бедийнат,  
Шароф Ал-Мулук ҳам қилиб хиёнат,

Қароқчибошига танитиб ўзин,  
Унга шундоқ айтар иложсиз сўзин:  
«Мени яқиндаги бирорта бекка  
Топширсанг бўласан кўп мулкка эга!  
Элтсанг Шаҳобиддин Ғозийга агар,  
Истаган нарсанга этар муяссар.  
Йўлингда порлагай иқбол кўеши,  
Ҳам ўзим қиламан сени мингбоши».  
Жалол кўл-оёғин дарҳол боғлаб ул,  
Бошига хотинини кўйиб қоровул,  
Қароқчи бошиғи бу гандан нодон,  
Кетибди от учун қишлоққа томон.  
Келиб шу орада бир найзодор кўрд,  
Аёлдан сўрабди ким, деб бу бебурд!  
Аёл Султон дея берганда хабар,  
Кўрд аввал сўзига қилмабди бовар.  
Сўнг тушиб эсига Гилот қамали,  
У жангда акасин етиб ажали,



Фитна уюштириб Жалолiddинга,  
Уни қарши қайраб узоқ-яқинга,  
Охири бошидан бўлади жудо,  
Жалолiddинни ҳам ургандай Худо  
Ажралиб аёвну мулку молидан,  
Ўзининг бўлажак истиқболидан,  
Рухи тушиб, кетиб шоҳнинг қарори,  
Бўлади охири майхўр, хумори.  
Ичкилик офати ила паҳлавон,  
Тез орада бўлар ҳақир, нотаваон!  
Тасаввур айлаки майхўр шер тулки  
Қўлида бўлади масҳара, кулги.  
Йил бир минг икки юз ўттиз бир август,  
Жалолiddин ичиб ухлаганда суст.  
Саройига қилиб мўғуллар хужум,  
Чор-атрофга солиб қатағон, зугум.  
Ширакайф Султоннинг дилини доғлаб,  
Таҳқирли бир ҳолда от узра боғлаб.  
Олиб қочадилар келиб хушига,  
Худо куч қўшади унинг кучига.  
Бандан кўларини бўштириб аввал,  
Мўғуллар-ла қилиб сўнг жангу жадал.  
Тортиб олиб бирин қилчичин ноҳос,  
Кўрашиб, ўзини этади халос.  
Лек оғир шоҳларга юриш бесоқчи,  
Нарироқ бормасдан бир тўп қароқчи,  
Отин олиб уни этганда банди,  
Жалолiddин етмай улар газанди.

Хоразмшоҳларнинг дастидан ўлган!  
Интиқомдан сўнг кўрд газабга тўлган,  
Ажал паймонасин шоҳни тўлдирган,  
Кўксига найзасин санчиб ўлдирган.  
Ким бўлма ёвларга тушганда асир,  
Манфаат излаб ҳеч билдирмагил сир.  
Сотилиши мумкин бир-икки одам,  
Ўзгаси бошинга ёддиради ғам.  
Бу хабар тарқалиб узоқ-яқинга,  
Жасади кўмилиб Майфарақинга,  
Қабрини этмасин ғаним ҳақорат,  
Ваҳшийлар солмасин дея ҳам ғорат,  
Мозори этилиб ер ила текис,  
Унинг амакиси Утархон беҳис,  
Ҳамда вазирлари Ал-Малий Асқар,  
Шунингдек амири Али Музаффар,  
Сўнгги маъракасин келтириб бажо,  
Тириклик қарзини этишган адо!  
Жалолiddин билан ташвишга ботиб,  
Насавий етти йил бўлган хос котиб.  
«Сийрати Султони Жалолiddинда»,  
Батафсил шарҳ этган ҳолик тағинда!  
Араб лисонида ёзиб муаррих,  
Форсийга кейин бу китоби тарих,  
Таржима этилган ўтмай кўп фурсат,  
Мўътабар манбаа бу қадимий дастхат!  
Насавий келтирар шундоқ манзара:  
«Шоҳларнинг ҳар доим қисмати қора!  
Аюв ёлғир аралаш ёғар майдалаб,

Бир ёнда ётарди Бағдоду Халаб.  
Изгирин шамоли эсмоқда совуқ,  
Эдим Жалолiddин Султонга ёвуқ!  
Ойнинг шўбласида, ёш тўкиб кўзи,  
Шундоқ қулоғимга чалинди сўзи:  
«Не учун мени эй яратган Оллоҳ,  
Омонат заминга сен айладинг шоҳ?  
Бу қадар дилимни этмасдан вайрон,  
Бўлмасмиди қилсанг бир оддий дехқон,  
Ё чўпон юрсайдим молимни боқиб,  
Наинки қон тўкиб, ногора қоқиб.  
Не учун топмайман бир зарра ором,  
Бу фалак доимо олғай интиқом.  
Не юриш-турушда бордир ҳаловат,  
Ҳар жойда кутади минг хавф, ҳалокат!  
Ун бора ўлимдан қайтдим юзма-юз,  
Минбаъд хор айлама, тараҳхум кўргуз!  
Измимда бўлса ҳам ҳисобсиз лашкар,  
Ўзинг Парвардигор бўлмасанг ёвар,  
Пулга сотилгучи, талончи сарбоз,  
Гоҳ кетар кўпайиб, гоҳи қолар оз!  
Мўғулларни қувсам Ватанимдан бас,  
Менда қолмас бошқа яшашга ҳавас!  
Беармон чўкардим Жайхунга ул кун,  
Чўқтирганларимни топмоқлик учун!  
Онам ҳаёт берди, мен-чи ўлдирдим,  
Унинг паймонасин почор тўлдирдим!  
Хотин-фарзандларим ўлимга рози  
Бўлмасдан, шу дея ҳақнинг ниёзи,  
Ёв кўлига ташлаб кетолмай бефарқ,  
Мажбуран дарёга айлагандим фарқ.  
Яқинларин қасоддан ҳалок этиб шоҳ,  
Ўзи тирик қолса кечирмас Оллоҳ,  
Катта-кичик ўрта ўсмиру гўдак,  
Шўх асов тойчоғу беғуноҳ мурғак,  
Ўнта ўн гулдандан бири очилмай,  
Атрофга муаттар бўйи сочилмай,  
Тўртта жондан севган жуфти ҳалолим,  
Бир неча канизи соҳибжамолим,  
Мендан шафқат кутиб дарёга чўкиб,  
Барингиз дарёдай кўздан ёш тўкиб,  
Менинг кўлим билан бўлдингиз қатл,  
Менга ҳам яратган қилмаган адал.  
Уша кундан тамом кетди омадим,  
Букилди тикланмас энди қоматим.  
Туркий подшоҳлардан ҳеч бири ҳануз,  
Оламда бўлмаган бундай бенуфуз!  
Отам Оловиддин кўзини ёшлаб,  
Юртини Чингизга қочса ҳам ташлаб,  
Ўлдириб қочмади аҳлу аёлин,  
Оллоҳ баланд қилди унинг иқболин!  
Қочса яқинларин ўлдириб подшоҳ,  
Унинг жазоси не эй қодир Оллоҳ?»  
Қилган хатосидан бўлиб пушаймон,  
Жалолiddин эди жуда хафақон,  
Гарчи кўринишу келбагида нағз,  
Ҳақиқий турк эди у қора мағиз.  
Бурнининг олиди бўлиб қора хол,  
Ўрта бўйи бўлиб, форсча бемалол,  
Сўзлаша оларди, эди тенгсиз эр,  
Шерларнинг ичиди саналарди шер.  
Вазминликда эди мисоли замин,  
Бақириб сўкинмас эди камтарин!  
Ўзини тутарди доимо сипо,  
Ҳамда кўп гапириб хоҳолаб асло,  
Кулмасди, жилмайиб аҳён-аҳёнда,  
Адолат бўлишин ёруғ жаҳонда,  
Истарди, ҳам шунга ўзи интилиб,  
Кўлидан келгунча адолат қилиб,  
Яшарди халқининг мушкулун-осон  
Этишга уриниб ҳар доим Султон.  
Валекин йўл бермай шароит бунга,  
Саргардон бўлди у Рубъи маскунда!  
Оғир синовларга бўлса ҳам дучор,  
Ўлгунча аҳдида турди устувор».  
Эрк ва озодлик деб курашган фарзанд,  
Қолар эл дилида яшаб аржуманд...

Жалолiddин бўлагач таъқибдан халос,  
Гирдига навқари йиғилиб бир оз,  
Шимолий Ҳиндистон чеккасида бас  
Яшаб олди кейин у эркин нафас!  
Шатра вилоятин ҳоқими Асрор,  
Унинг келганидан бўлиб хабардор,  
Етказар зимдан деб зиёну зарар,  
Тортиб келди унинг устига лашкар!  
Жалолiddин кўрса куч нисбати оз,  
Деди: «Навқарларга етмай инқироз,  
Мард бўлсанг чиқайлик жангга бирма-бир,  
Енгандан бўлайдир Шатраю Кашмир!»  
Асрор жанг-жадалдан кўрқмаган ботир,  
Майдонга чиқди у олмай хавотир.  
Жалолни унчалар айламай писанд,  
Ташлади устига узоқдан каманд!  
Унинг хужумига чап бериб Жалол,  
Эди қоматини мисоли ҳилол!  
Сўнг турди мардона кўкрагин кериб,  
Асрорга қақшатқич бир зарба бериб,  
Отидан ағдариб, бошини кесди,  
Ғолиблик шамоли атрофга эсди!  
Асрор навқарлари қолиб ҳайратда,  
Бўлиб Жалолiddин Султон ғайратда.  
Орадан бошланса гар ялпи кураш,  
Билдики муҳолиф бермаган чидаш!  
Сўнг уни кўмондон билиб сарафроз,  
Ўтди итоатга беш мингта сарбоз!  
Овозаси кетиб унинг ҳар тараф,  
Сўнг келиб қўшилди навқарлар саф-саф!  
Чингизхонга қарши бутун Ҳиндистон,  
Лашкар йиғиб, унга бўлиб кўмондон —  
Шамсуддин Элтутмиш ўттиз минг отлик,  
Ва яна юз мингта яёв саботлиғ,  
Лашкар билан келиб Жалолiddинга,  
Қўшилиб, Чингизга қарши қирғинга,  
Ҳозирлик кўрди у ҳамдам муқобил,  
Ҳам унда бор эди уч юз жангий фил!  
Кулиб Жалолiddин омади яна,  
Ҳиндининг шимолида қилиб тантана,  
Қудратли давлатин айлади барпо,  
Танга зарб эттириб мис, кумуш, тилло,  
Солиқ сийёсатин айлади жорий,  
Куч ва бойлик тўплаб қатъий қарори,  
Ҳисоб-китоб қилиш Чингизхон билан,  
Қонхўрни тўйдириш яна қон билан.  
Дастлаб у Ироққа тартади лашкар,  
Ҳар босган қадамда бўлиб музаффар,  
Эрону Ироқда бег, амир, аёён,  
Унга итоатни билишиб шоён,  
Қаттиқ қаршиликлар кўрсатмай ҳеч бир,  
Шунингдек Дамашку Шом ила Миср,  
Унга қўшилишга билдириб хоҳиш,  
Жангу жадалларда тилаб қушойиш,  
Муҳими тўсилса Чингизхон йўли,  
Етмаса бас унинг ювиқсиз қўши!  
Йил бир минг икки юз йигирма олти,  
Жалол Гуржистону Озарни олди,  
Албатта кўргузиб қаттиқ жанг-жадал,  
Уруш тақдирини айлаганди ҳал.  
Жалолни билишиб ашаддий рақиб,  
Мўғуллар тинимсиз қилишиб таъқиб,  
Авал Рай шаҳрига айлашиб хужум,  
Ерли аҳолига кўргузиб зугум,  
Йил бир минг икки юз йигирма етти,  
Улар Жалолiddин изидан етди,  
Куз олди хужумлар айлаб бесаёр,  
Исфаҳонда топди мўғуллар қабр.  
Эронни мўғулдан айлаб ҳимоят,  
Жалолiddин кириб жангга ниҳоят,  
Душман кучларини айлаб тору мор,  
Қонидан заминни этиб лоззор,  
Тарихий ғалаба ёр бўлиб унга,  
Кетди овозаси Рубъи маскунга!  
Машхур лашкарбоши саналган шоён,  
Хужум уюштириб сўнг Тайнал нўё,  
Жалол чангалга лашкарин ташлаб,

**«ЭНГ АҚЛАМ ТЎТИҚУШ»**

НИКАРАГУА пойтахтида бунвонини олиш учун антиқа курик утказилди. Турли ранг ва катталиқдаги қушлар курикда уз «санъат»ларини намойиш этишди. Жониворлар шеър ўқишар, мамлакат Президенти шарафига олқишлар айтишар, машхур қушиқларни куйлашарди. Бироқ танловда иштирок этан қушлар орасида биттаси узининг «ақли» билан томошабинлар ҳамда ҳакамлар ҳайъатини лол қолдирди. Бу тути турт тилда испанча, немисча, инглизча, французчасига: «Мени бирорга ҳам қуш енголмайди. Мен галаба қозонаман!» деса буладими? Курик голиби булган бу қушнинг лақаби Гоадир. Голиб юқоридаги тилларда сиздан бирор нарса сураши, ёки унга ёқмай қолсангиз хонадан сизни ҳайдаб Шекспир сонелларини, немис тилида Гете шеърларини ўқийди. Гоа испан тилида Лотин Амриқоси қушиқларини ижро этса, француз тилида сукинади ва... овқат сўрайди.



**СЕЗГИР КУЯ**

ЖОНЗОТЛАР ОРАСИДА хид билиш буйича энг сезгири кую экан. Акулалар ҳам ундан қолишмайди. Яна буронқушлар, денгиз қушлари 3 километрдан ортиқ масофаданоқ балиқ ҳидини сезишаркан. Шунингдек, чуғурчуқларда ҳам бундай ҳислат жуда кучли. Улар узига ин қуришда шу қобилиятидан фойдаланишади, яъни баъзи текинхур жонзотлар учун захарли булган ўт ва кўкатларнинг пояларидан ин қуради. Бу эса уяга текинхурлар яқинлашувини 80 фоизга камайтиради



уйида неча йилдирки, қарга яшайди. Унга Рааби, деб ном қуйган. Раабининг бошқа қаргалардан фарқи шундаки, у уй соҳиби билан бемалол булмасада, ҳар қалай анчамунча тиллаша олади.

**ОЧЛИК МАЖБУР ҚИЛДИ**

Лондон яқинидаги шаҳарчада булган бурон туфайли ағдарилган дарахт ҳайвонот боғидаги қафасни бузиб юборди. Қафасдаги қоплон бундан фойдаланиб у ердан қочиб қолди.

Хавфли йиртқични қидиришга булган барча ҳаракатлар зое кетди. Лекин орадан бир ҳафта утгач, ҳайвонот боғи қоровуллари қочоқнинг соғ-омон уз қафасига қайтиб келганини куриб ҳайратдан лол булиб қолишди. Қоплон узига емиш қидириб топа олмаганлиги учун очликдан силласи куриб қайтиб келган булиши мумкин, деб тахмин қилишди мутасаддилар.

**ГАПИРУВЧИ ЎРДАК**

Шу пайтгача фақат туғилар, майналар, зағчалар ва қаргаларгина одамларга ухшаб гапира олади, деб ҳисобланар экан. Маълум булишича, гапирувчи қушлар руйҳатини яна купайтирса буларкан.

Янги зеландиялик фермер Стефан Бородайкевичнинг Пекин зотидан булган Крэки лақабли урдаги бор. Бу урдак анча қариб қолган булиб, куп вақтини ферма ҳовлисида утказади. Баъзан у жуда тушунарли қилиб, фермернинг хотини товушида: «Осмонни булут қоплади, кирларни йигиб олиш керак», деб гапиради.

Ёки булмаса Стефанга ухшатиб: «Сол яна кечикаяпти» (Сол-хужайиннинг угли) дейди.

**ГАПИРУВЧИ ҚАРГА**

Фарбий Германиянинг Гросс-Рекин шаҳарчасида яшовчи В. Боденшацнинг

**«ЎЗИ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ» ЭТИКЛАР**

Эрта тонгда уйғониб кетган Эни Томпсон нариги хонада уч ёшли угли Робининг ҳаяжонли сузларини эшитди: «Буни қаранг, қандай ажойиб. Этикларим худди жони бордек сакрашапти!». Болалар хонасига югуриб кирган она ҳақиқатан ҳам полдаги этиклар уз ҳаракат қилаётганидан қурқиб кетди ва дарҳол турмуш уртоғини чақирди. Ота этикларнинг ичини текширувди, ичидан катта-катта иккита сичқон чиқди. Этик ичига кириб қолган сичқонлар у ердан чиқиб кетиш учун болалар пойафзалини «юргизишаётган» экан.



**ЕТТИ ЁШЛИ ҚАРИЯ**

Чарлз Чарлзворт 1829 йилнинг 14 март кўни дунёга келган. Болақай ҳаётининг даслабки турт йили бошқа тенгдошлари каби ўтди. Беш ёшга тулганида унинг соқол ва муйловлари ушиб чиқиб, жинсий балоғатга етганлиги маълум булди. «Кичкинтой» тезда кексая бошлади. Сочларига оқ, юзларига ажин тушди. Юришлари эса узидан ун марта катта одамниқига ухшаб кетарди. Бир кўни Чарлз етти ёшга тулганида ҳушидан кетиб қолди ва бошқа узига келмади. Уни текширган мутахассисларнинг фикрича, бола оддий улим — қарилкдан оламдан утганди.

**ЁШ «КОММЕРСАНТ»**

Юлихалик (ГФР) 11 ёшли Карл доим ота-онасидан дакки эшитиб юрарди. Унинг ота-онаси учун ўқиш эмас пул топиш муҳимроқ эди ва Карлни ҳам «Сендай пайтимизда биз бу соҳада анча тиришқоқ ва тажрибалироқ эдик» дея дакки беришарди. Албатта, бу Карлга оғир ботарди.

Бир кўни Карл онасига 25 марка келтирди. Онаси пулни қандай йул билан топганини суради, Карл отасининг неча йиллардан бери йигиб юрган почта маркасини сотганини айтди. Лекин онаси даҳшатдан донг қотди чунки марка 100-120 марта қиммат турарди-да.

**ОНАНИНГ ЁРДАМИ**

Англиялик боксчи Тони Уилсон уз қатнашадиган мусобақаларга эндиликда онасининг келишини таъқиқлаб қуйди. Сабаб мусобақаларнинг бирида юз берган воқеа булди. Ушанда Тонининг рақиби уни роса «калтақлайди». Бунга чидай олмаган она рингта шартта чиқиб, углининг рақибига ташланади. Кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган рақиб жангдан воз кечади. Натижада Уилсон голиб деб топилса-да, унинг уз бундан норози булади ва рақиби билан қайта бокс тушишни талаб қилади. У уз галабасини қизикқон онасининг «ёрдамисиз» намойиш қилмоқчи эди, аммо...

**ҚОР ОДАМ-БОР ОДАММИ?**

Мугулистонинг Кабдо аймоғилик уч киши бу воқеанин хар бир дақиқасини энди, умуман эсларидан чиқаришмаса керак. Эрдэнбурэн худудидаги булоқда улар жуда баҳайбат қор одамни куришган. Баҳайбат одам уша заҳоти-ақл бовар қилмайдиган, тезликда яъни санокли дақиқаларда 200 метр наридаги қояга бекинишга улгурган. Табиийки, қочоқнинг қадами улчаб курилган. Унинг хар бир қадами 2 метру 61 сантиметрга тенг булган. Оегининг изи эса узунлиги 40, эни 8 сантиметрни ташкил этган.

Ҳайдовчи С. Ульзининг айтишича, убундай ғаройиб одамни биринчи марта учратиши эмас, 1988 йилда ҳам қор одамга дуч келган.

**3 ОЙЛИГИДА ГАПИРГАН БОЛА**


Деярли уч юз йил вақт утмоқда, бироқ уша воқеа Дания қироллиги тарихида ҳалиям унутилгани йўқ. 1726 йилда қирол Фредерик IV салтанатига олмониялик ёш иқтидорли бола — Любек Кристин Генрих Хейникен меҳмонга келиб, барчани ҳайратда қолдирган эди.

Танилиб-танилмаган расомнинг угли булмиш Кристин 3 ойлигидаёқ гапиришни бошлаган. Бир ёшлигида Инжилнинг 5 бобини еддан билган. Бир ярим йил утгач, қадимда хукронлик қилган барча подшоликлар тарихини осонликча ушлаштирган.

Кристин кейинчалик жуғрофияда уз қобилиятини синая курди. 4 ёшли олим Даниянинг бир неча харитасини чизган ва қиролга курсатмоқчи булган. Қирол уни ота-онаси билан Копенгагендаги саройлардан бирида обрули кишилар иштирокида қабул қилган. Бу учрашув биринчи ва охириги эди. Негаки, уша учрашув қатнашчиларининг барчаси боланин қобилиятини куриб, тусатдан ҳушидан кетишади. Бу эса болага ёмон таъсир қилган. Кристин уша йили 4 ёшу 4 ойлик ва 21 кўнлик умр куриб вафот этган.

**ТЎРТ ОЁҚЛИ ЖЎЖА**

Венгриянинг Бордан шаҳридаги ширкатчиларга қарашли инкубаторга қуйилган тухумларнинг биридан турт оёқли жуҷа чиқди. У бошқа жиҳатлари билан қолган жуҷалардан фарқ қилмайди. «Турт оёқли булса ҳам у ҳеч қасққа қочиб кетолмайди, чунки унинг ортиқча икки оёғи қарама-қарши томонга усган» деб ҳазиллашмоқда инкубатор ходимлари.



**ТИЛАМЧИ МАЙМУНЛАР**

Айтишларича, кўсн яхшилаб калтақланса, гугурт чақишни ҳам урганиб олиши мумкин экан. Ҳиндистонда булган воқеани эшитиб, ҳайратингиз янада ошади.

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари фуқаролари тиламчи маймунлардан паймонаси тулган. Ваҳоланки, маймунлар одамларга ҳужум қилишаётгани йўқ ёки нон ва бошқа егуликлар сурамайди ҳам, фақат пул сўрайди. Мабодо, пул бермасангиз уларнинг жаҳли чиқиб, қўлларини мушт қилиб дўқ пуписи ҳам қилиб қуядилар. Майда танга олган маймунлар яқин орадаги бозорга бориб, мева ёки сабзавот харид қилишмоқчи булишади. Бу устомон ҳаридорлар арзимаган пулга куп нарса олишга ҳаракат қилишади. Агар сотувчи бу харидорнинг арзимаган тангасига куп нарса бермаса, унда маймунлар сабзавотларни очикдан-очик олиб қочишади, бунақада текинга тушади.



<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ</p>	<p><b>Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА</b> ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУ- РАЙМОВ, Инқилоб ЮСУПОВ, ДАДАХОН ЁҚУБОВ, Му- каррама МУРОДОВА, Иноят АБДУСОАТОВА, Феруза ОДИЛОВА.</p> <p><b>«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»</b> ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР: Музаффар ПИРМАТОВ, Равшан ҚАМБАРОВ, Маҳлиё МИРСОАТОВА, Гулнора МУҲАМЕДОВА.</p>	<p>IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0411. 46.496 нухала босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30 Навбатчи София МУҲАММАДЖОНОВА</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Руйхатдан утиш тартиби № 000137</li> <li>• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.</li> <li>• Нашр курсаткичи: № 64563</li> <li>• Телефон: 1-33-44-25, 1-36-57-91, 1-36-54-21</li> </ul>
---	---	---